

**“Истиқлол даври достонларининг
етакчи эстетик тамойиллари” мавзусидаги магистрлик
диссертациясининг мундарижаси**

Кириш. Тадқиқотнинг умумий тавсифи.....	
I. БОБ . Истиқлол даври адабиётига хос етакчи эстетик тамойиллар...	
I.1-фасл. Ҳозирги ўзбек достонларининг поэтик тафаккур тарзи	
I.2- фасл. Бугунги ўзбек достонларига хос услубий изланишлар.....	
II. БОБ . Икром Отамурод достонларининг поэтик хусусиятлари.....	
II.1- фасл. “Тағаззул” достонида кангулнинг янгича талқини.....	
II. 2-фасл. “Сопол синиқлари” достонининг ғоявий-бадий хусусиятлари.....	
II.3-фасл. “Ёбондаги ёлғиз дарахт” достонида бадий талқин.....	
Умумий хулосалар.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

Кириш.

Тадқиқотнинг умумий тавсифи.

Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, ХХІ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб, вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.¹

И.А.Каримов.

Мавзунинг долзарблиги. “Энг гўзал нарсა ҳаётдир”, деган экан ўтган асрда яшаб, ижод этган мутафаккир олимлардан бири. Бу таъриф бизнинг кунларимизда ҳам кадр-қимматини ва ҳаётий маъносини йўқотган эмас. Бу таъриф Ватанни севишга, ардоқлашга, халқимиз орзу қилиб, ниҳоят, эришган мустақиллигимизни кундан-кун, йилдан-йил ривож топтириш билан ўзгача гўзаллик касб этаётган эркин турмушимизнинг ҳар дақиқасини кадрлаш ва эъзозлаш сари чорлайди, шукроналар изҳор қилишга ундайди. Маълумки, истиқлолдан кейин ижтимоий соҳада юз берган туб янги жараёнлар маънавий ҳаётда жиддий ўзгаришларга олиб келди. Бу ўзгаришлар, янгиланишларни тўлалигича идрок этиш учун шу жараёнлар иштирокчисига айланишимиз даркор. Маънавий ҳаёт манзараси шу қадар кўламли, ранг-баранг, мураккабки, уни бирданига бор ҳолича тасаввур этиш ниҳоятда мушкул. Бунинг устига ижтимоий ҳаёт ва маънавиятдаги ўзгаришлар осонликча кечаётгани йўқ.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – // – Халқ сўзи. – 2010. – 30 январ. – № 21.

Президентимиз айтганларидай, “бугун биз тарихий ўзгаришлар даврида – яъни мустабид , тоталитар бир тизимдан эркин ва озод тизимга ўтиш шароитида яшамокдамиз. Бу ўтиш даврида халқимиз ўзига хос, жуда катта ғов ва тўсиқларга дуч келиши, бу жараён катта курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи даркор”. Мустақиллик халқимизнинг маданий – маънавий тараққиётига кенг йўл очди. У туфайли барча соҳада – ижтимоий – иқтисодий, шунингдек, сиёсий ҳаётда кўзга кўринарли ўзгаришлар содир бўлди.Тарихий ва миллий қадриятлар қайта тикланди, уларга муносабат тубдан янгиланди.

Зотан, ижтимоий – сиёсий соҳадаги туб бурилишлар, жамият маънавий ҳаётидаги янгиланишлар, аввало, адабиётда акс этади. Шу боис, бугунги кун адабиётида инсон тафаккур тарзида юз берган ва бераётган барча эврилишлар бор бўйича кўзга ташланаётир.

Бугунга келиб туйғулар нозиклиги, руҳий ҳолатлар турфалиги, кечинмалар инжиқлиги, сезимлар инжалиги ўзини таний бошлаган ҳар қандай одамнинг сифати эканлиги англашилди.Шунинг учун ҳам истиқлол адабиёти кўпроқ даражада шахс адабиёти бўлиб бормокда. У оломон, гуруҳ, қатлам ёки синфнинг кайфият, истак ва майлларини ифода этишдан қутулиб, алоҳида инсонни – шахсни тадқиқ этишга тутинмокда.Бу давр ўзбек ижодкорлари мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттириш билан бирга жаҳон адабиётининг ҳаётбахш тажрибаларини ҳам ўз ижодларига сингдира бошладилар. Истиқлол арафаси ва ундан кейинги давр адабиётида бу хусусият янада кучайганлигини дoston жанри намуналари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Дoston дейилганда, энг аввало, кўз ўнгимизда “Алпомиш”, “Гўрўғли” каби халқимизнинг бетакрор санъат дурдоналари гавдаланади. Бироқ бугунги дoston ўзига хос хусусиятлари билан

халқ эпосларидан фарқланганидек, ўзининг яқин ўтмишдаги намуналаридан ҳам ажралиб туради. Ҳар бир тарихий давр, муайян ижтимоий воқелик дoston табиатида ўз изини қолдириб келмоқда. Асар марказида муайян воқеалар тизими ёки маълум бир воқеа турмаганлиги боис бугунги дostonлар лирикага янада яқинлашди, ўзининг дostonий кўламдорлигини сақлаш эҳтиёжи эса мушоҳадакорликнинг тасаввуфий-фалсафий, модернистик оҳанглари талаб эта бошлади. Тафаккур ва онг оқими қатламларига чуқурроқ кириш натижасида дoston қаҳрамони ўзликни тафтиш қилишга қайтди, ўзликни баркамол этиш тадоригини кўра бошлади. Замонавий шакл мумтоз моҳиятни шу тариқа қабул қила бошлади. Истиқлол даври адабиётида юз берган бундай янгиланишлар, ўсиш-ўзгаришларга эътибор қаратилганлиги тадқиқотнинг долзарблигини тайин этади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Адабиётшунослигимизда ўтган асрда мумтоз ва янги давр ўзбек дostonчилигининг илмий-назарий масалаларига бағишланган қатор диссертациялар ҳимоя қилинган.

[Қаранг: Шарафутдинов О. “Ўзбекская советская поэма”(1946-1953), Муҳиддинов У. “Проблема конфликта и характера в современной узбекской поэме” (1956-1967), Рахимджанов Н. “Лирическая поэма” (на основе материалов узбекской поэзии 1961-1973 г.), Ҳасанов Ш. “Ўзбек драматик дostonи” (1995), Тангриев А. “Ҳозирги замон дostonчилигида тарихий воқелик ва шахс талқини” (1995), Ҳасанов Ш. “XX асрнинг II ярми ўзбек дostonлари поэтикаси” (2005) ва бошқалар].

Тўрт томлик “Ўзбек совет адабиёти тарихи”, уч жилдлик “Адабий турлар ва жанрлар”нинг I жилди, “XX аср ўзбек адабиёти тарихи” каби йирик тадқиқотларда, Н.Каримовнинг “Урушдан кейинги давр ўзбек совет адабиёти”, Н.Раҳимжоновнинг “Ўзбек совет поэмаси”, М.Иброҳимовнинг “Ўзбек совет поэзияси жанрларининг таркиб

топиши” сингари монографияларида, Б.Саримсоқовнинг “Эпик жанрлар диффузияси” номли тадқиқотида, Ҳ.Ёқубов, Н.Шукуров, С.Мамажонов, О.Шарофутдинов, Н.Каримов, У.Норматов, И.Ғофуров, Н.Раҳимжонов, Н.Худойберганов, С.Мели каби адабиётшуносларнинг илмий мақолаларида, муайян ижодкорлар фаолиятига бағишланган адабий портретларида XX аср ўзбек достончилигининг илмий-назарий, ғоявий бадиий хусусиятларига оид жиддий кузатишларни учратамиз. Истиқлол даври адабиётшунослигида эса Ҳ.Каримовнинг “Истиқлол даври шеърияти”, Н.Раҳимжоновнинг “Мустақиллик даври шеърияти”, Қ.Йўлдошнинг “Ёниқ сўз”, М.Мирқосимованинг “Жанр ва маҳорат”, “Сўз изтироблари” номли илмий рисоаларида, А.Расулов, А.Улуғов каби адабиётшуносларнинг илмий мақолаларида сўнгги давр ўзбек достонларининг жанр ва услуб хусусиятлари муайян даражада ўрганилган.

Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари. Тадқиқот иши мавзусининг долзарблигидан келиб чиққан ҳолда, истиқлол даври шеъриятидаги мавзу ва ғоявий-бадиий ўзига хосликни ҳозирги ўзбек достончилигининг етакчи тамойилларига боғлаб ўрганиш мақсадида қатор достонларни таҳлилга тортиш ишнинг бош мақсадини белгилайди. Шу мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилди :

- истиқлол даври ўзбек шеърияти, хусусан, достон жанри тақомилига оид ўз кузатишларимизни ёритиш;
- бугунги ўзбек достончилигининг анъанавий тасвир услубидан фарқ қилувчи жиҳатларини кўрсатиш;
- ҳозирги ўзбек достончилигига хос етакчи тенденциялар ҳақида сўз юритиш;

- бугунги кун дostonларида юз бераётган услубий изланишларни алоҳида ижодкорлар яратган асарлар мисолида тахлил қилиш орқали илмий хулосаларимизни ёритиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Муаммо бугунги кунда ўзбек адабиётшуносларининг диққат марказида турибди ва олимлар томонидан кенг тадқиқ қилинмоқда. Истиқлол даври дostonчилигининг ғоявий-бадий ранг-баранглиги, мавзувий кўламдорлиги, жанрий тақомили, услубий ўзига хослиги билан адабиётшунослар эътиборини тортиб келмоқда. Ҳозирги ўзбек дostonларида лирик қаҳрамон кўнгил қатламларининг ўзига хос ифодасини жанр ва услуб хусусиятларига боғлаб монографик тадқиқ этишга йўналтирилган тадқиқотлар санокли даражада кўзга ташланади. Шу жиҳатларни эътиборга олсак, истиқлол даврида яратилаётган дostonларнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, дoston инъикосидаги ўзига хослик масалаларини тадқиқ қилиш тадқиқот ишининг илмий янгилигини белгилайди.

Тадқиқотнинг назарий методологик асосини президентимиз И.А. Каримовнинг 2010 йил 28,30 январдаги “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”, “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиз” номли маърузалари ҳамда ўзликни англаш, миллий мафкура, миллий ғурур, орият, ўтмишдан фахрланиш, порлоқ келажакни ўз қўлимизга олганимиздан ғурурланиш каби туйғулар, фикрлар мужассам топган асарлари, “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз” каби бир қанча асарлари, Шарқ бадий-эстетик тафаккури намояндалари, рус ва қардош халқлар адабиётшуносларининг илмий-назарий фикрлари ҳамда И.Султон, У.Норматов, Н.Худойберганов, Н.Раҳимжонов, Ҳ.Каримов, Қ.Йўлдошев, М.Мирқосимова каби ўзбек олимларининг

монография, илмий тадқиқот, илмий мақола ва рисолаларидаги адабий-назарий қарашлари ташкил этди. Ишнинг мақсад ва вазифасидан келиб чиқиб, бадиий таҳлил, қиёслаш-таққослаш усулларида, тадқиқот методидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Истиқлол даври дostonлари мавзувий кўламдорлик нуктаи назаридан ранг-баранг жиҳатларни қамраб олган, шунингдек, бугунги куннинг етакчи анъаналари ҳам ўзига хос талқинини топмоқда. Бу даврда яратилган дostonларнинг ҳар бири ижодкор бадиий тафаккурининг, адабий-эстетик қарашларининг қайсидир жиҳатларини ёритиб туради. Истиқлол даврида яратилган дostonларнинг ана шу хусусиятларини тадқиқ қилиш ишнинг илмий қимматини белгилайди. Олий таълим муассасаларининг ўзбек тили ва адабиёти, журналистика, ўзбек филологияси факультетларида “хх аср ўзбек адабиёти”, “истиқлол даври ўзбек адабиёти”, “Бадиий таҳлил тамойиллари” фанларидан маъруза, махсус курс ва семинарлар ўтишда, шунингдек, ўрта махсус таълим муассасалари, ўрта таълим мактабларида адабиёт дарсларида, “Ҳозирги адабий жараён” фанларини ўқитишда дoston жанри анъаналарининг, ундаги етакчи тамойилларнинг қўлланиш доираси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда, сўнгги давр дostonлари, инсон бадиий тафаккуридаги эврилишлар билан боғлиқ илмий тадқиқотларда мазкур иш муайян даражада илмий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот объекти сифатида истиқлолнинг илк давридан бугунгача сермахсул ижод қилиб келаётган истеъдодли шоир Икром Отамураднинг “Сопол синиқлари”, “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, “Тағаззул” дostonлари асос қилиб олинди. Шунингдек, зарурият туғилганда, бугунги кун шеъриятининг асосий эстетик тамойиллари, дoston жанрининг етакчи хусусиятлари ва бошқа ижодкорлар ҳамда

адабиётшунос, танқидчиларнинг адабий-танқидий мулоҳазаларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг тузилиши. Тадқиқот иши кириш, икки асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I. БОБ. Истиқлол даври адабиётига хос етакчи эстетик тамойиллар.

I.1-фасл. Ҳозирги ўзбек дostonларининг поэтик тафаккур тарзи .

“ Мен ёзувчига ҳаммасидан кўра унинг
услуб-оҳанги, китобда муаллифнинг бизга
етиб келадиган овози муҳимдир,
деган бўлардим.”

Хорхе Луис Бархес

Маълумки, “адабиёт” атамаси (арабча-адаб) одоб сўзидан олинган бўлиб, одоб – ахлоқ жамият маънавиятининг ўзаги, инсон камолоти (инсонийлиги) нинг кўрсаткичидир. Ахлоқ – маънавиятнинг амали, маънавият эса ўзликни англашдир. Уни ўрганиш – инсон қалбига сайқал бериш билан баробар. Шунинг учун ҳам адабиёт инсон туйғуларининг ададсиз тўлқинларини эзгулик яратиш ишига сафарбар этади. “Адабиёт – ҳаётнинг инъикосидир. У ҳаёт тўғрисида тўғри тасаввур беришга қодир. Адабиёт ҳаётни ўрганади ва унинг устидан ҳукм чиқаради. Ҳаётни тўғри акс эттирган, илғор ғояларга асосланган бадиий асарлар жамиятни қайта қуришда ижобий рол ўйнайди, ва аксинча, ҳаётни бузиб тасвирловчи адабиёт жамиятнинг тараққиётига тўсиқ бўлади. Адабиётнинг қиммати унинг ҳаётга

мослиги, ҳаққонийлиги ва жамият ҳаётида ўйнаган ижобий роли билан тайин этилади.”¹

¹Султон И. Адабиёт назарияси. Т.:Ўқитувчи , 2005. 34 – бет.

Кўринадикки, адабиёт, аввало, санъат соҳасининг бир тармоғи тарзида сифатланади. Бу – адабий асарнинг бизнинг ақлимизгагина эмас, қалбимизга, ҳисларимизга ҳам каттиқ таъсир кўрсатишидир. Адабий асар бизнинг туйғуларимизни жунбушга келтириб, хаяжонга солади ва шу сифати билан ҳаёт ҳақида бизга маълумот берувчи бошқа ҳар қандай асардан фарқ қилади.

Адабиётнинг қуроли – сўз. Бадиий адабиёт ҳаётни мана шу восита орқали тасвирлайди. Адабиётда ҳаётдаги шу муҳим воқеа- ҳодисалар, кишиларнинг ўзига хос хислатлари, руҳияти, орзу- умидлари, дарди, сир-асрорлари акс этади. Ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини рассом бўёқ ва чизиклар, композитор товуш ва уларнинг узун-қисқалиги, баланд-пастлиги, раққос ҳаракатлар орқали ифодаласа, бадиий адабиёт вакили сўзга таянади .

“Адабиётнинг “қурилиш материали” тилдир. Ёзувчи халқ тили бойликларидан фойдаланиб, дунёнинг бадиий моделини, “ бадиий шахслар олами” ни яратади. Адабиётни яратувчилар фақат халқ тилининг бойликларидан фойдаланибгина қолмайдилар, уни ривожлантирадилар: ёзувчи халқ тилининг қонуниятларига суяниб, ўз асари учун керакли янги сўз ва янги иборалар ҳам кашф этади. Ҳаётни аниқ, тўла ва ёрқин инъикос эттириш вазифаси ундан шуни талаб қилади,”¹ – дея таъкидлайди адабиётшунос олим И.Султон.

Дарҳақиқат, адабиётда инсоннинг ички дунёсини тасвир этиш дунёни ва инсоннинг ўзини ҳам тушунишни мақсад қилиб олади: шу билан бирга дунёни тушунишга интилиш уни яна ҳам гўзалроқ қилиш орзуси билан суғорилган бўлади. Адабиётнинг санъат сифатидаги

ўзига хослигини белгиловчи омиллар орасида эстетик таъсир аҳамиятлидир. Фақат эстетик таъсирга қодир адабий асаргина ўзининг маърифий ва тарбиявий вазифаларини тўла-тўқис бажара олади. Эстетик таъсир одамларнинг ҳисларини ларзага сола билиш, уларда завқ, нафрат ва ҳаяжон қўзғата билишдир. Эстетик ҳис, яъни гўзалликни сезиш, табиатдаги ҳамма жониворларда бир даражада мавжуд бўлса ҳам, бу соҳада инсон тамоман ажралиб туради. Фақат инсонгина ўз ҳаётини гўзаллик қонунларига мувофиқ қуради.

¹Ўша асар, 85-бет.

Адабиёт инсоннинг гўзалликка интилишини инъикос этади ва мукаммаллаштиради. Адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев бу хусусда шундай фикр билдиради : “Адабиёт – абадиятга даъвогар. Адиб бетизгин вақтни тизгинлашга уринадиган зот. У тарихчидан фарқ қилароқ, замон ҳақида ахборот, маълумот бермайди. Билъакс, вақтни, одам умрининг бирор қисмини ҳиссиёту сезимлари билан тасвирлашга муҳраб, тўхтатиб қўяди.”¹

¹Қ. Йўлдошев. Ёниқ сўз . Т . : Янги аср авлоди, 2006 . 35-бет .

Кўринадики , бадий адабиётни саноғи ёки вазнига қараб ўлчаб бўлмайди. Унинг салмоғини бадият тарозиси билан тортиш, руҳият мезонлари билан аниқлаш лозим. Шундай экан, бугунги адабий жараён хусусида сўз юритганда таъкидлаш жоизки, адабиётшунослик узоқ вақт мобайнида бадий асарларни асосан ижтимоий нуқтаи назардан текширишга мослашган бўлса, мавжуд илмий қолипларни тарк этароқ уларга эстетик талаблар асосида ёндашишга уринмоқда. Натижада, кўплаб битикларнинг асл бадий қиймати, бир қатор адибларнинг миллат эстетик тафаккури тараққиётидаги тарихий ўрни холисона белгиланаётир.

Ўзбек адабиёти тинимсиз ўзгаришларни, эврилишларни бошдан кечирмоқда. Унда ҳам ўзига хос юксалишлар ва қуйи энишлар юз бериши табиий. Қозоқбой Йўлдошев, бугунги ўзбек адабиёти, “ёзиш кўнгил ишига айланган, ёзмасликнинг имконини тополмаётган кишилар томонидан яратилмоқда,” дейди. Дарҳақиқат, истиқлол даври адабиёти жамиятдаги муаммоларни кўтариб чиқувчи адабиётдан инсон руҳияти қатламларини бадиий тадқиқ этувчи адабиётга айланиб бормоқда. Бу йўналишда ижод қилаётган адиблар руҳий пўртаналар, ҳиссий кечинмалар тадқиқи билан шуғулланади, инсоннинг кўнглини текширишга уринади.

Адабиётшунос олимларнинг фикрича, мустақиллик даври адабиётининг энг асосий ютуғи ҳукмрон мафкурадан ҳалос бўлгани, адабиёт ижодкорнинг кўнгил ишига айланганидир. Хусусан, ёш истеъдод соҳибаси, шоира Зебо Мирзаеванинг қуйидаги сатрларини ўқиган китобхон ҳақиқатан ҳам туйғуни, руҳиятнинг мазмунини сўзлаб ҳам, шаклини чизиб ҳам бўлмаслигини англайди, бироқ эътибор қаратиш керакки, у ҳис қилинганда, маънавий ва руҳий эҳтиёж қонади:

Юрагимда йиғлаётган ким?

Оқиб кирар маънос товуши...

Кўзларимни кесиб юборар

Қуриётган гулларнинг туши...

Сени жуда аччиқ йиғлатдим.

Лаънат тошин отдинг тонггача...

Ёпилмади осмон эшиги,

Юриб чиқдим...

Ўздан тонганча!

“Ҳаёт ва жамиятдаги барча ўзгаришларнинг асоси инсон тафаккурдир. Тафаккурда ўзгариш бўлмас экан, ижтимоий ҳаётда ҳам ўзгариш бўлиши душвордир. Истиқлол даврининг юзага келиши

хам шунинг маҳсулидир. Маълумки, ўз навбатида ҳар бир жамият ўз муаммосини юзага келтиради, бунга мувофиқ инсониятнинг ҳаётга қараш тарзини ҳам ўзгартиради. Бу руҳият билан боғлиқ масаладир. Етмиш йил давомида маънавият, миллий ахлоқ асоси бўлган динидан, ўтмишда ўзининг ким бўлганлигини намоён қилиш қудратига эга бўлган, тарихи, миллий қадриятларидан маҳрум бўлган халқ истиқлолдан кейин бунга муяссар бўлгач, унда ўзидан, ўз миллатидан ғурурланиш туйғуси юзага келди. Чунки у руҳсизликдан қутулди, руҳи озод, ҳур бўлди. Руҳи ҳур одамнинг юраги ботир бўлади. У ҳамма нарсани ёрқин кўради, моҳиятини тўғри англайди. Бугунги кун адабиёти кечаги адабиётдан бир қанча хусусияти билан фарқ қилади. Яъни, одамнинг қалб изтироблари, қувончларининг бетакрор таҳлили ва руҳиятининг турфа кўринишлари инкишофи ҳамда воқеа-ҳодисалар тасвирининг ва батафсиллиги, уларнинг ҳар бири мақсад сари йўналтирилганлиги, қаҳрамонларнинг ўта миллий ва индивидуаллашганлиги, бозор иқтисодининг моҳиятини очиқ бериши ила ўзига хосликка эга. Агар умумлаштириб айтсак, воқеа-ҳодисадан кўра, инсоннинг, унинг қалби таҳлили биринчи ўринга чиққанлиги билан ажралиб туради.”¹

¹Ҳ.Каримов. Истиқлол даври насри, Зарқалам нашр.Т.:2007.3-бет .

Истиқлол адабиёти типик одамни эмас, балки алоҳида ўзига хос ва бетакрор одамни – типни тасвир этади. Шунинг учун ҳам у кўпроқ даражада шахс адабиёти мақоми билан юритилмоқда; алоҳида инсонни-шахсни тадқиқ этишга тутинмоқда. Бугунги чинакам санъат асрлари ўқувчига ақл ўргатишга, унинг учун “дастуруламал” бўлишга уринмайди. У кўпроқ сезги, туйғу ҳосил қилишга йўналтирилган. Истиқлол адабиёти мавзу, ғоя жиҳатдан ҳам, бадиий тасвир тамойиллари нуқтаи назаридан ҳам бирор қолипга солинмаган,

табий равишда тараққий қилаётган эстетик ҳодисадир. Яна айтиш жоизки, адабиётимизнинг тасвирлаш тамойилларида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Социалистик реализм адабиётида инсоннинг ўзи, кўнгли, ҳис-туйғулари эмас, аксинча унинг меҳнати куйланарди. Мадҳиябозлик, дабдабабозлик, ташвиқотчиликдан қутулиб бораётган истиқлол даври адабиёти учун инсоннинг руҳият қатламлари асос бўлмоқда. Бу эса руҳий нигоҳи ўткир, туйғулари нозик китобхонни тарбиялашда муҳим омил ҳисобланади.

“Бугунги ўзбек ўқувчиси тамомила ўзгарди. Гарчи ўқувчиларнинг сони кескин қисқарган бўлса-да, сифати яхшиланди, бадиий адабиётсиз яшай олмайдиганлари қолди. Бу нимада кўринади? Агар яқингача ҳам бирор бадиий асарни тушунмай қолган ўқувчи ёзувчини айбдор ҳисоблаган бўлса, эндиликда ўқувчи айбни ўзидан, ўзининг маърифат даражасидан қидирадиган бўлди.”¹

¹Қ.Йўлдошев.Ёниқ сўз. Янги аср авлоди, 2006.73-бет .

Қозоқбой Йўлдошевнинг бу фикрлари нафақат адабиётнинг, балки бугунги кун китобхонининг ҳам савияси юқорилаётганидан дарак беради. Олим XX асрнинг 90-йилларида эстетик ҳодиса сифатида майдонга келган истиқлол даври адабиётининг ўзига хос хусусиятларини қуйидагиларда кўради:

“Биринчидан, бу давр адабиёти ҳукмрон мафкура тазйиқидан қутулган, олам ва одам руҳиятига мансуб ҳодисаларга хилма-хил қарашларнинг маҳсули бўлган адабиётдир.

Иккинчидан, мустақиллик даври ўзбек адабиёти эндиликда давлат адабиёти бўлмай қолди. Шу йўсинда кечагина ижтимоий- сиёсий ҳодиса саналиб келган бадиий адабиёт соф эстетик актга эврилди.

Учинчидан, истиқлол адабиёти одамга ишчи кучи, ишлаб чиқарувчи, меҳнаткаш сифатида ёндашиш тарзидан қутулди. Миллий

адабиёт миллат вакиллариининг меҳнатинигина эмас, балки уларнинг шахсиятига дахлдор жиҳатлар: руҳияти, ҳиссиёти, кўнглини тасвирлашга киришди. Бу адабиёт учун инсоннинг ўзи асосий кадриятга айлана бошлади. Шу тариқа, миллий адабиётнинг қаҳрамонлари жуғрофияси кенгайди, миқёси кўламкасб этди. Одам бирор ижтимоий қатламнинг вакили тарзида эмас, мураккаб ва англаш мушкул бўлган инсон сифатида бадий тадқиқ этиладиган бўлди.

Тўртинчидан, мустақиллик даври ўзбек адабиёти бирор ижтимоий тузумнинг афзаллигини кўрсатиш, ишлаб чиқариш муносабатларини, сиёсат тизимларини такомиллаштиришга эмас, алоҳида инсон шахсининг маънавиятини мукаммаллаштиришга йўналтирилди.

Бешинчидан, юқорида санаб ўтилган омиллар туфайли бу давр адабиёти жўнликдан, анчайинликдан, тўпориликдан қутилди ва унинг асл намуналарини ҳамиша ҳам изоҳлаш, тушунтириш, мантикий қолипларга солиш мумкин бўлмай қолди ...”¹

¹Ўша асар, 75-76-бет.

Юқорида санаб ўтилган адабиётдаги ўзига хосликлар, айниқса, лирик жанрларда ёрқинроқ ифодаланади. Бугунги шеърят аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Чунки у ўз нигоҳини инсон ботиний дунёсига қаратди, унинг руҳиятини, сезимларини англатиш борасида инсонни ўзини ўзига танитди. Адабиётшунос олима М.Мирқосимова ҳозирги ўзбек шеъряти намуналарини кузатиб, қуйидаги хулосаларга келади: “Мустақиллик даври ўзбек шеъряти тимсолида сирли, сеҳрли ва ранг-баранг инсон оламини шоир ёки лирик қаҳрамон қандай англаётганлигини тасвирлашдан бетакрор инсон дунёсининг турфа ҳолатларини ўз идроклари-ю ҳис-туйғуларига таяниб, кўнгилларига ўзлари йўл топишларига ундаш, инсонни англашга интилишдан унинг қалбини ўзига англатиш томон

кадам ташланганлигини кўрсатувчи йўналиш пайдо бўлганлигидан далолат беради. Ҳозирги ўзбек шеъриятига хос бу тенденция қандай ижодий-эстетик тамойилларда ўз аксини топмоқда?

Ўзбек шоирларининг ўзбек классик шеърияти ва халқ оғзаки ижодига хос анъаналарни давом эттириб, поэтик нутқ хусусиятларидан моҳирона фойдаланиб, ижтимоий-фалсафий маъно ташувчи бадиий умумлашмаларни яратишга интилишларида кўринади;

- замондошимиз онгида, ҳаёлот, руҳиятида содир бўлаётган жараёнларни бор кўлами ва турфа ранглари билан тасвирлаш тенденцияси ёзувчиларга инсон онги ва дунёсининг бетакрор, зиддиятли ҳолатларини ҳаётнинг ўзидаги каби табиийлиги билан бадиий гавдалантириш имконини бераётганлигини кўрсатади;
- шоирлар ғавқулодда яратилган ифодалар орқали рамзий образларни китобхон кўз ўнгида жонлантиришга эришиб, поэтик ғояни тўлақонли аёнлаштиришга муваффақ бўлаётирларки, бу хусусият ҳозирги ўзбек адабиётига хос тенденция сифатида ўрганилиши лозим. Рангларни рамзлаштириш ҳозирги ўзбек шеъриятида ўзига хос анъана тарзида давом этмоқда, бадиий эстетик тамойил сифатида яшамоқда;
- ўзбек шеъриятида ислом асотирлари ва ғоялари билан суғорилган шеърлар пайдо бўлди. Ҳозирги ўзбек шеъриятига хос тамойиллардан яна бири шоирларнинг поэтик нутқнинг хитоб, мурожаат каби шаклларида, сўз такрори, риторик сўроқ каби унсурлардан фойдаланиб, оламни унинг бир бўлаги бўлмиш инсон дунёсини поклаш орқали мунаввар этиш ҳақидаги дунё олимлари, файласуфу шоирлари қарашларига ҳамоҳангликда яратилаётган поэтик ғоялари, бетакрор ташбеҳларга юкланган салмоқли фикр ва туйғулардан аёнлаштирилиши алоҳида таъкидлаймиз;

- мустақиллик даври ўзбек шеъриятига хос хусусият: руҳий таҳлилчи теранлиги, асарга хос поэтик тафаккур тарзининг сероҳанглиги; воқеаларни анъанавий реалистик асарлардан фарқли ҳаётий манзараларда гавдалантириш; ҳодисалар, кечинмалар “мен” орқали ҳис қилиниши янгилик сифатида қабул қилинди, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Бу хусусият реалистик тасвир услуби бағрида юзага келган “янгилик” сифатида эътироф этилаётган “Ўзбек модерн шеърияти” алоҳида ва ўзига хос эстетик тамойил сифатида юзага келганлиги ҳамда ривожланаётганлигини асослайди.”¹

¹М.Мирқосимова, М.Рустамова. Жанр ва маҳорат. А.Навоий номидаги Миллий кутубхонаси нашр.,Т.:2007.19-20-бет.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ижод қилаётган шоирлар яратган поэтик кашфиётлар анъанавий шаклларга мос тушмайди. Шоира Зебо Мирзаеванинг қуйидаги мисраларида мурожаат, хитоб оҳанглари лирик қаҳрамоннинг тизгинсиз изтиробларини ифодалашга қаратилган:

Кеча

Ёмғирлардай ёғилиб ўтдим,

Изларингни ўпдим...

Билдингми?

Ё кўзимдан оққан аччиқ ёшларнинг

Қора селларида қалқиб келдингми?

Баргхазондай мунча ожиз титрайсан,

Совуриб ўтдими сени дил доғи.

Дунёга ўт қўйган телба юракнинг,

Етиб бордими ё бирор чакмоғи?

Бу каби бетакрор сатрларда сероҳанг, сермаъно ифодалар-ла йўғрилган фикрлар китобхонлар эътиборини жалб қилади. Янги-

янги рамзий ифодалар, қочиримлар, ўзгача тарзда кашф этилган образлар шоирнинг бадиий мақсадини кўрсатишга йўналтирилган:

...Ночорни кузатиб кулгандан кўра
ёрдам бермоқ учун тез шошилишлар.
Ёлғиз от йироғлаб борар тобора
кенгликларни ташлаб томошабинлар .
Ёлғиз от елади бир нажод истаб,
мадад бўлсин унга қаноат, сабр.
Нега сукут ичра қолдингиз тўхтаб,
ёлғиз от – қалбларни тарк этган Меҳр?

Шоир Икром Отамурад ифода йўсинида бу каби кутилмаган рамзий ифода, образлар (тўрғай, от, тўриқ, кўзигули, ёмғир) га жуда кўп дуч келамиз. Мисраларда нақшланган ёлғиз от рамз- образи орқали инсонлар қалбини тарк этаётган Меҳр, қалблардан кўчган Ҳақиқатнинг “ёлғонлар олдида инграган” Виждон қаршисида музтарлиги, “юрагида ғамлар занглаган” Дунёни қутқариб қолишда асосий восита эканлиги ўқувчига аңлатилади. Ёлғиз отнинг нажот истаб, тобора йироқлаб бораётгани, кенгликларни – кўнгилларни тарк этиб кетаётгани, томошабинлар – инсонларни наҳотки ўйга толдирмаса, қалбини изтиробга дўндирмаса?! Шоир юрагини кемираётган дард, ўкинч, оний ларза шеър орқали китобхон шуурига кўчиб ўтади.

Истиқлол даврида яратилаётган асарларнинг аксариятида унутиб борилаётган қадриятлар, унутилган кўнгил оҳу фарёди бор бўйини намоён қилаётир. Асосийси, истиқлол даври адабиёти ҳар бир ўзбекни ўз кўнглига яқинлаштирди. Жамият аъзоларининг ички олами чуқурлашгани, кишиларнинг интеллектуал-руҳий савиялари кўтарилгани сари уларда индивидуал жиҳатлар яққолроқ намоён бўлаверади. Теран ўйлайдиган шахс танҳоликка интилади. Чунки унинг ўзи ва кўнгли билан қиладиган иши бор. Ўйсиз индивид учун

эса, ёлғизликдан катта фожиа йўқ. Чунки унинг ўзи билан қиладиган иши тайинли эмас. Бизнинг замондошларимиз теранлашиб, ўзига кўпроқ эътибор қаратаётир. Шу боис, бугунги адабиётдан оммавийлик кутиш ўринсиз. Ҳозирги адабиёт индивидуал адабиёт бўлишга маҳкум. Чунки бугунги одамнинг ўзи–алоҳида шахс. Кечагина у бирор ижтимоий табаканинг вакили саналарди. Бугун у – ўз шахсиятининг элчиси, ўз “мен” ининг вакили холос. Шахслиги теранлашмаган кишилардан иборат миллат аҳлининг қизиқишлари бир хил ёхуд бир-бирига яқин бўлади. Шахсияти чуқурлашган миллатнинг ҳар бир аъзоси ўз олами билан яшайди.

Маълумки, шоир жамиятдаги вазифасини, аввало, шеърлари орқали адо этади. “Шеър санъати – бу объектив воқеликни, дунё ходисаларини идрок этиш, уларнинг кечиш жараёнларини кузатиш билан кифояланиб қолмайди. Шоирлик, аввало, ўз қалбини идрок ва тадқиқ этишдан бошланади. Шоир қалбидаги пўртанавор кечинмаларни шунчаки қайд этиш билан қаноатланмайди. Ундай ҳолда шоир субъективизм қобиғига ўралашиб қолган бўларди. Шоир туйғулари туғёнини одамлар руҳиятидаги ҳолатлар ҳаракати билан уйғунлаштира олсагина, ўз қалбини кузатишдан юзага келган эмоционал фикрларни объектив воқеликдан орттирган тажриба – сабоқлари билан боғлай олсагина, энг муҳими, уларнинг бирикишидан ижтимоий-фалсафий ёки маънавий- ахлоқий хулоса чиқара билсагина – ана шу нуқтада том маънодаги юксак савияли шеър кўз очади. Бу нарса, айниқса лирикада ўзлигини тўқисроқ намоён этади. Бунда инсон руҳиятининг нозик ва ингичка торлари жаранглайди, муқаддас қирралари “ярқ” этиб шуълаланиб кетади; бу ўринда туйғуларнинг фикр ила синтезлашуви жараёни содир бўладикки, у ақл-тафаккур қудратидан доимо озиқланиб туради, демакдир. Бу–ҳиссиёт ва фикрият доимо уйғунликда намоён бўлади, демакдир.”¹

¹Н.Раҳимжонов. Шоир ва давр. Т.:Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр.,1983. 38-бет.

Маълумки, лирикада лирик кечинма ҳукмронлик қилади, ҳамиша устун бир вазиятни эгаллайди. Шундай экан, лирик кечинманинг ўзини нима? Такомилига нималар етказди? Бу саволлар ғоят муҳим. Адабиётшунос Жамол Камол бу хусусда шундай дейди: “... бировлар талқинида лирика ижтимоий – эстетик тараққиётни олға сурувчи муҳим фактор, кураш қуроли бўлиб гавдаланса, бировлар талқинида мавҳум сезгилар олами, туманли хаёллар тусини олади”.¹

¹Ж.Камол . Лирик шеърят. Ўзбекистон, Фан . 1986.11-бет.

Лирик асар сюжетсиздир. Лекин шеърда ҳам маълум воқеа тасвир этилади, ҳатто энг кичик лирик асар ҳам маълум маънода эпиклик унсурига эга. Фақат лирик асарда, кўпинча кишининг оний кечинмалари (яъни жуда қисқа бир муддатда бошдан кечираётган ҳолати) тасвирлангани учун лирик турга мансуб асар воқеабандликдан, сюжетдан холидек туюлади. Аслида лирик асарда микро воқеа – киши худди шу онда бошидан кечираётган ҳаётий ҳодиса тасвир этилади. Лирик асар лиризм ва эпиклик унсурларидан ташқари драматик турнинг хусусиятларига ҳам эга: шеърый асарда, у ҳажман кичик бўлса ҳам, кишининг ўткир ва жиддий бир ҳиссий ҳолати, ҳаяжони тасвирланади . Бу ҳам ўзига яраша драматир.

“Адабий асарда адабий турларнинг хусусиятлари бирлашиб, янги, “қоришиқ” бир жанрни юзага келтириши мумкин. Масалан: дoston жанри эпосдан воқеабандлик (сюжетлилик) ни, поэзиядан лиризмни “қарз олган”.¹

¹И.Султон. Адабиёт назарияси. Т.:Ўқитувчи, 2005.158-бет.

XX асрда барча жабҳалар сингари адабий турлар ва жанрлар ҳам катор инқилобий ўзгаришларни бошдан кечирди.

Мумтоз шарқ анъаналарини давом эттириш билан бирга турли халқлар маданиятининг энг яхши фазилатларини ўзлаштирган ижодкорларимиз янги поэтик жанрлар инкишофига ҳисса қўшдилар. Бу жанрлар орасида достон ва унинг кўринишлари алоҳида ўрин тутди.

Адабиётшунослигимизда “достон” ва “поэма” атамалари хусусида ягона тўхтамга келинмаган. Реалистик руҳдаги асарларни “поэма”, романтик руҳдаги асарларни “достон” деб аташ унчалик тўғри эмас. Ваҳоланки, бирор бир жанр ундаги реалистик ёки романтик тафаккур типига қараб белгиланмайди. “Поэма” атамаси “достон” атамасининг ғарбона эквиваленти. Замонавий достон мумтоз достоннинг сифат ва миқдор ўзгаришларига учраган янги модели.

Достон табиати ўз тараққиёти давомида ўзгариб, янгиланиб борди. Табиийки, минг йилликлар билан белгиланадиган ўзбек оғзаки ва ёзма достончилиги ҳам бундай ўзгаришлардан мустасно эмас. Гарчанд жанр тинимсиз янгиланаётган бўлса-да, бироқ у ўзининг ўзак хусусиятлари: муайян давр ва халқ ҳаётини акс эттириши, оламни эпик кўламдорликда тасвирлаши, миллий руҳият силсилаларини “олий эҳтирослар қуршовида” кўрсатиш каби сифатларини сақлаб қолди.

Эпик ва лирик хусусиятларнинг бирлашуви натижасида достон жанри юзага келди. Достон аслида эпик асардир, аммо шеърий шаклда ёзилиши уни айни пайтда лирикага ҳам мансуб этади. Достоннинг шеърий шаклда ёзилиши фақат шаклга оид аломат эмас, балки унинг мазмунидаги ҳам ўзига хос хусусиятини акс эттиради: достонда эпос ва драмадан фарқли ўлароқ, лиризм алоҳида бир куч касб этади. Худди эпик ёки драматик асарлардагидек, достонда ҳам ҳаётнинг анча кенг ва тугалланган манзараси берилади, кишиларнинг

анча мураккаб муносабати ва кечинмалари ҳаққоний тасвирланади, аммо достоннинг алоҳида сўзлашув оҳанги борки, бунда адабиётшуносликда “жанр пафоси” деб атайдилар. Мумтоз достончиликда даврнинг эпик қиёфасини халқ тимсолида, объектив характерлар тимсолида кўрган китобхон бугун шоир шахсияти орқали кўрмоқда. Достон марказига лирик қаҳрамон, яъни шоир шахсиятининг ўрнашиши бу эпиклик уфқини янада кенгайтди, кечинмаларнинг кенг қамрови билан бойитди. Бугунги достон мумтоз достонлардан, қолаверса, XX асрнинг 30-40-йилларидаги мазкур жанр намуналаридан ҳажман кичикроқ, ихчамроқ. Аммо бу ихчамлик даврнинг эпик манзарасини чизишга монелик қилмаяпти, балки уни лиризм билан тўйинтираяпти.

Лиро-эпик, лирик, драматик достонларнинг юзага келиши, мустақил жанр сифатида ўзлигини намоён этиши, синтезлашувнинг кучайганлиги, объектив характерлар ўз ўрнини лирик қаҳрамон, яъни шоир шахсиятига бўшатиб берганлиги, ҳажмдаги сиқиклик ва бошқаларни мазмунни ифода этиш тарзидан, усулидан излашга тўғри келади.

Достонда муаллифнинг воқеаларга аралашуви ва ўз муносабатини изҳор этиши алоҳида ўрин тутди. Достондаги бундай парчалар “лирик чекинишлар” деб юритилади. Достонда лирик турнинг муҳим хусусияти – ҳиссий тафаккур мавжуд-ки, Европа адабиётшунослиги атамаси билан айтганда, медитация, яъни олам ва одам ҳақида ҳаяжонли фикрлаш эпик манзарага (дастлабки яратилган достон намуналарида) алоҳида бўёқ беради.

Мумтоз адабиётимизда шеърӣ асарларни уларнинг тузилишига қараб ҳам жанрларга бўлиш расм эди (қитъа, мухаммас, мусаддас, мураббаъ каби). Бундай тақсимот соф шаклий таҳлил натижаси бўлиб, ҳар бир турнинг мазмунидан келиб чиқмайди. Ўзбек шеърӣ ХХ асрда Европа адабиётидан кириб келган бир қанча лирик жанрлар

билан бойиди. Улардан ижодий тажрибада қатъий ўрнашиб қолганлардан бири юқорида фикр юритганимиз дoston бўлиб, у дастлаб “поэма” атамаси билан юритилган. Поэмага катта фикрлар, кучли туйғулар махсули сифатида ёндашувчи олим У.Норматов унга қуйидагича таъриф беради: Поэма (юнонча ποίημα – ижод) да ҳаёт ва одамлар қалби эпик (воқеа) ва лирик (кечинма, туйғулар) тарзида кашф этилади. Тўғрироғи, поэмада эпика ва лирика бирлашган ҳолда, яхлит лиро – эпик оқимни вужудга келтириб, ҳаётий воқеа-ходисаларнинг ва қаҳрамон характеридаги кучнинг руҳи (қалби) ни очади, таҳлил қилади, ҳаяжонли ифодалайди. Қисқаси, поэма қалб қўшиғи, ундаги лирик элемент ҳам, эпик элемент ҳам поэзия, қўшиқ даражасига кўтаририлган бўлмоғи лозим... Поэмада воқеа, драматизм асосан қаҳрамон қалби орқали ўтади. Поэмада китобхонни воқеаларнинг изчил тасвири эмас, балки воқеалар туфайли қаҳрамон қалбида туғилган психик кечинмалар – драмалар, ўйлар, туйғулар тасвири қизиқтиради.”¹

¹У.Норматов.Жанр имкониятлари. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр.,Т.:1970.14-17-бетлар.

Назариётчи олимилар эса унинг эпиклик касб этиши хусусида шундай мулоҳаза юритадилар: “Поэма – лирик, эпик, лиро-эпик, драматик бўлишидан қатъи назар, уларнинг барчасида ҳаёт (давр) нинг эпик қиёфаси шоир шахсияти (тўғрироғи, лирик қаҳрамон), қалби орқали очилади, воқеа ҳукмронлик қилади, унинг ҳукмига асосан қалб қўшиғини қуйлайди. Лекин бу қўшиқ дoston (халқ дostonлари) жанрига нисбатан ихчам, анчайин кичик, айни пайтда, ўта реал, ўта лирикдир.”¹

¹Ҳ.Умуров. Адабиёт назарияси. Т.:А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр. , 2004. 199-бет.

Асарда кўтарилган муаммонинг салмоғи кўп жиҳатдан асар учун олинган ҳаётий материалнинг характериға боғлиқ. Ижодкорға кучли таъсир этган, унинг ҳаётида, қалбида чуқур из қолдирган, унга тинчлик бермаган, айтмаса, ёзмаса туролмайдиган, давр учун характерли бўлган ҳаёт фактигина, ёзувчида хилма-хил фикрлар уйғотган нарса-ҳодисагина ҳақиқий бадиий асарнинг материали бўла олади. Қачонки ҳаётий материал ижодкор қалбидан ўрин олса, қалб мулкиға айланса, уни илҳомлантирса, шундагина бадиий асар материалға айланади.

Ижодкор бадиий мақсадини ўзига хос услуб йўсинида китобхонға етказишға уринади. Шундай экан, савол туғилади: хўш, услубнинг ўзи нима? Адабиётшунос И.Султон ёзувчи услубини, бир ижодий методға мансуб ҳар бир ёзувчи ижодининг ўзига хос хусусиятлари тарзида кўрсатади:»Бир ижодий методға мансуб ёзувчиларнинг асарларида фарқлар бўлишининг сабаблари кўп. Улардан энг муҳимлари қуйидагилар:

Биринчидан, ҳар бир ёзувчи ўз ҳаётий тажрибасига суянади. Бунинг натижасида турли ёзувчилар асарларида ҳаётнинг турли (ўзларига яхши таниш бўлган) томонларини инъикос эттирадилар. Демак, турли ёзувчилар томонидан ёзилган асарлар турлича ҳаётий материални, турлича кишиларни адабиётға олиб киради. Бу ҳаётий материал ва қаҳрамонлар эса ўзига хос тасвир воситаларини талаб қилади.

Иккинчидан, адабиётнинг бош вазифаси бўлмиш инсоншунослик, руҳият тасвири борасида ҳам ёзувчилар услуби бир- биридан фарқ этади. Руҳият тасвири турли кўринишларға эға бўлиши мумкин: агар бир ёзувчини характернинг қирралари кўпроқ қизиқтирса, иккинчиси, ижтимоий муносабатлар ва маиший тўқнашувларнинг характерға таъсири билан, учинчиси, ҳислар билан фаолият орасидаги алоқаға, тўртинчиси эса эҳтирослар таҳлилиға қизиқади.

Учинчидан, ёзувчи услубининг шаклланишида унинг қайси табақа ўқувчиларига мўлжаллаб ёзиши катта аҳамиятга эга. Бу, ёзувчи ижодининг ҳамма унсурлари (ҳаётий материални танлаш, ижобий ва салбий қаҳрамонларни халқнинг қайси табақасидан олиш адабиётнинг қайси тури ва жанрида асар ёзиш ва бошқалар) га, айниқса асарнинг тили масаласига оид қоидадир.”¹

¹И.Султон. Адабиёт назарияси. Т.:Ўқитувчи, 2005.254-бет.

Дарҳақиқат, иккита бир хил ёзувчи (шоир)нинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки яратилган ҳар бир инсоннинг ички ва ташқи тузилиши ўзига хос бир оламки, унинг бетакрорлиги ўзлигида мужассам этилган. Шунга асосан, ҳар бир ижодкорнинг олами – ҳаётий тажрибаси, билим даражаси, диди, гўзалликни кўра билиши, тасаввури, ҳаёлот дунёси, қалб кўзи ўзигагина тегишлидир ва ана шу ўзлик унинг ҳар бир асарида аксланади .

“Бадиий тафаккур тарзини англатувчи метод – гносеологик (яъни бадиий билиш билан боғлиқ) категория бўлса, услуб антропологик (яъни ижодкор шахси билан боғлиқ) категориядир. Бундан кўринадики, метод ғоявийлик ҳодисаси бўлса, услуб бадиийлик ҳодисасидир. Услуб ижодкорнинг ижодий индивидуаллигини белгилайди, ижодий индивидуаллик эса у яратган бадиий асарнинг барча сатҳларида (бадиий матннинг тузилиши – риторика, бадиий воқеликни яратиш принциплари – поэтика) намоён бўлади. “Услуб–одам” деган қарашнинг вужудга келиши бежиз эмас: асар ўзида ижодкор шахсини ифодалар экан, буни услубда намоён этади...”¹

¹Д. Қуронов.Адабиётшуносликка кириш.Т.:А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2004.210-бет.

Услуб бир вақтнинг ўзида ҳам мазмун, ҳам шакл, ҳам ғоя, ҳам мотивдир. Буларнинг барчаси бирлашганда асар бутунлигини услуб таъминлайди. Шунга кўра, ёзувчи услубини сўзга, тилга – улардан фойдаланишдаги ўзига хосликка боғлаб қўйиш ноўриндир. Тўғри, адабиёт – сўз санъати, тил адабиётнинг биринчи элементи бўлса-да, услубни юзага келтирувчи энг зарур омиллардан яна бири – санъаткорнинг ҳаёти, ҳаётнинг моҳиятини, унинг қаъридаги ҳақиқатни тадқиқ ва таҳлил қила билиши билан боғлиқдир. Инсон руҳиятининг бой ва рангин, яширин сирларини, уларнинг туб эстетик қимматини кашф этиш санъати – руҳият билимдонлиги билан бевосита боғлиқдир. Демак, услуб – ёзувчининг воқелик ва инсонни идрок қилиши, уларнинг қалбидаги ҳақиқатни кашф этиши ва уни сўз воситасида образли ифодалай олиши – бу вазифаларни индивидуал (“ўзига хос”) тарзда яратиш санъатидир. Бадиий асар услубининг ҳам шакл, ҳам мазмунга алоқадорлиги олимлар томонидан қайд этиб келинаётир. Шаклга шунинг учун алоқадорки, ижодкор асар сюжети, воқеа-ҳодисаларни қаҳрамонларнинг фаолияти, қилмишларини, уларнинг ички кечинмалари, руҳий ҳолатларини тил ёрдамида ифодалайди. Табиийки, ҳар бир ижодкор ўзига хос тил билан ёзади, ўзича фикрлайди, ўзича ўйлайди... Ана шу фикрлаш, яъни тафаккур тилга кўчганида ижодий услуб ҳодисасини вужудга келтиради. Мана шу фикрлаш услубида ижодкорларнинг руҳий-маънавий олами, дунёқараши, билими, тажрибаси, қизиқиш доираси, интилишлари сезилиб туради. Кўринадики, бадиий услуб фақат шакл ҳодисаси бўлибгина қолмай, билвосита ва бевосита мазмун ҳодисаси ҳамдир. Бадиий асар тили қанчалик бой, ўзига хос оҳангларда бўлса, бадиий услуб шунчалик яққол кўрина бошлайди, ва аксинча, асар тили рангсиз, қуруқ, сийқа бўлса, бадиий услубнинг, қолаверса, бадиий тафаккурнинг ва умуман, истеъдоднинг йўқлигидан нишонадир.

Шарқ адабиётшунослиги бадий ижоднинг жони – мазмун эканини доимо уқтириб келган бўлса ҳам услуб кўпинча бадий асарнинг мазмунидан узилган ҳолда текшириб келинган. Шу сабаб Шарқ адабиётшунослигида “услуб” атамаси “баён тарзи”, “фикрни ифода этиш маҳорати” каби тор маънода талқин қилинган. Баъзи адабиётшунослар ёзувчининг индивидуал услубидан ташқари ҳар бир тарихий давр адабиёти ва санъатининг ҳам ўзига хос услуби борлигини таъкидламоқдалар.

XX асрнинг 60-70-йиллари собиқ иттифоқ таркибидаги халқлар адабиётида дoston жанри йиллари бўлди, десак, хато бўлмас. Дostonлар кўплаб яратилди, у ҳақдаги илмий баҳс-мунозаралар авж олди. Табиийки, бу баҳс-мунозараларда турли хил қарашлар, фикрлар билдирилди. Айримлар унинг келажаги порлоқлиги ҳақида гапирса, бошқа бировлар жанрнинг инқироз арафасида турганлигидан башорат қилишди. Аммо, ўзбек дostonчилиги ўзининг ўсиш-ўзгаришларга бой умрини давом эттирмоқда, ўз тараққиёт тенденциясига эга эканлигини давр тасдиғидан ўтказиб келмоқда.

I.2- фасл. Бугунги ўзбек дostonларига хос услубий изланишлар.

Сўнгги давр ўзбек дostonларини кузатар эканмиз, Маҳмуд Тоир, Азим Суюн, Икром Отамурад, Тўлан Низом, Асқар Маҳкам, Сирожиддин Саййид, Абдували Қутбиддин, Фахриёр каби ижодкорлар яратган асарларда ижтимоий ва маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар, халқ руҳиятидаги эврилишлар ўз ифодасини топганлигига амин бўламиз. Дostonларда ҳаёт, давр, хусусан, инсон кўнглидаги янгиланишлар ифорини “мен” кечинмалари орқали ҳис қилдириш тенденцияси истиқлол даври ўзбек дostonчилигида ёрқин намоён бўлаётир. Марказида “мен” турадиган дostonлар сюжети

объектив воқеликдан олинган кечинмалар, хулосалар, мулоҳазалар, умуман, таассуротларга асосланади. Бу таассуротлар кўпинча умумлашма характерга эга бўлиб, “мен” кечинмалари ижтимоий аҳамиятга моликдир.

Халқ ҳаётининг янгиланишлар томон юз буриш нуқталарида адабиёт рамзий воситаларга кўпроқ мурожаат этди. Рамзий образларга эътибор кучайганлигини ўтган асрнинг 80-йиллар ўзбек дostonлари мисолида ҳам кузатиш муаллифлар томонидан қўлланиб, мунтазам ишлатилиш даражасига етган рамзлар ҳам мавжуд бўлиб, улар китобхон диққат-эътиборини тортиши тайин. 80-йилларда Шайтон, Арвоҳ рамзларининг ранг-баранг, турфа талқинлари юзага келиб, уларда давр ва ижтимоий ҳаётнинг ифодасини кузатамиз. Шоир А.Орипов “Жаннатга йўл” дostonида у дунё ҳақидаги тасаввурларини реал ҳаёт манзаралари сифатида тасвирлади. У образларни айнан Шайтон, Арвоҳ деб номламаса-да, шу руҳдаги характерлар оламини яратди. Э.Воҳидовнинг “Руҳлар исёни” дostonида ҳам руҳларга мурожаат қилинади. Биз тирикларнинг хатти-ҳаракатларимиз, маънавий оламимиздаги руҳий ўпирилишлар уларни безовта қилаётганлиги таъкидланади. Унда бенгал шоири Назрул Ислоннинг Озодлик, Эрк, Ҳақиқатни тантана қилдириш йўлидаги курашлари бадийлаштирилади. Дostonда маънавиятидан, қадриятидан, тарихидан жудо этилган тириклар учун, жамиятдаги маънавий таназзул, боқибегамлик, лоқайдлик учун руҳларнинг безовта бўлиб, исён қилиши, уларнинг ҳар нарсадан хабардорлиги қуйидагича манзаралаштирилади:

Марҳумларнинг руҳи кўкда

Доим учиб юрармиш.

Биз уларни кўрмасак –да

Улар бизни кўрармиш.

Биз хайрли ишлар қилсак,

Шодон бўлар эмишлар
Мабодо
Биз ёмон бўлсак,
Нолон бўлар эмишлар...
Офат келса бизга ногоҳ
Билгувчи ҳам улармиш.
Фалокатдан бизни огоҳ
Қилгувчи ҳам улармиш...

Усмон Азимнинг “Қуёшли олам” достонидаги рамзий образлар давр муҳитининг характерли руҳиятини акс эттирган. Достонда Шайтон ҳамда шайтонсифатлар: Хавфли одам, Хушомадгўй, Мансабпараст, Қофиябоз, Порахўр кабилар жамият, тузум иллатларини урчитаётган кимсалар қиёфасида чизилган:

Қофиябоз
Гапимни эшитинг !
Шоир келганда,
Минг бир маккорчилик китобингиздан
Минг бир усул ила минг бир найрангни
Олдида минг тусда тўкиб ташлангки,
Қуёшни сотганинг сезмай ҳам қолсин!
Хавфли одам
Буёғидан зинҳор хавотир олманг.

Эътиқод ва иймон мисоли Қуёш рамзи орқали аксланиб, рамзийлик янада чуқурлаштирилади; ҳаётнинг маъноси, уларнинг ўткинчилиги хусусида мушоҳада юритишга чорланади.

Истиқлол арафасида ҳамда 90-йилларда ўзбек адабиётида лирик достонларнинг мақоми ошди. Шунинг баробарида шоирнинг “мен” и асар сюжетини ҳаракатга келтирувчи марказ сифатида кўрина бошлади. Лиро-эпик ва драматик достонларда жанрий талабларга мувофиқ характер хусусиятлари батафсил кўрсатилади. Лирик

достонлар табиати эса лирик қаҳрамондан бошқа характерларнинг батафсил очилишини кўтармайди. Шу сабаб Арвоҳ, Рух, Шайтон рамзлари эндиликда шоир монологидан жой ола бошлади.

Достонларда муайян давр руҳиятини ифода этишга қодир бўлган шу рамзий воситаларга карама-қарши тарзда яна бир образ кенг истеъмолга киритилдики, бу Шоир образидир.

Шоир гўё даврнинг иймони сифатида достонлар марказидан жой ола бошлади. Фуқаролик эътиқоди мустаҳкам курашчан, фаол шахс бўлган Шоир образи муаллиф дунёқарашини ифодаловчи муҳим воситага айланди.”¹

¹//Шарқ юлдузи , 2002. 4-фасл. 150-бет.

Кўринадики, шоир “мен”и истиқлол арафаларидаёқ юзага чиққан. Сўнгги давр достонларида эса у ўз тақомилига етди (И.Отамурод “ Харитага тушмаган жой”, “Сопол синиқлари”, М.Юсуф “Кўҳна қудук”, М.Тоир “ Ошиқ оҳи”, Т.Низом “Гиря”, Фахриёр “Ёзиқ” ...).

Т.Низомнинг “Гиря” достони марказида ҳам лирик қаҳрамон образи туради. Мусибат ва руҳий изтироблар манзарасидан иборат бу достоннинг қурилиши Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”сини ёдга солади. “Муҳаббатнома” да бўлгани сингари “Гиря” да ҳам муаллиф кечинмалари тасвирини ҳар хил лирик жанрлар рўёбга чиқаради. “Гиря” бир ҳаёт ҳодисасидан қаттиқ мутаассирланиш натижасида юзага келади. Достон таркибидаги ҳар хил лирик жанрларда акслантирилган кайфиятлар ўша таъсирланишнинг турли-туман кўринишлари, ранг-баранг қирралари, бир руҳий ҳолатнинг қирқ кун давомида кузатилган ўзгарувчан шакллариidir. Лирик қаҳрамон ботинидаги ўзгаришлар маснавий, мусаллас, мураббаъ, мухаммас, ғазал, рубоий шеърий шакллари ва жанрларида намоён бўлади. Гўё тартибсизликдан сочилиб ётган, ҳар бири алоҳида асардек таассурот

қолдирадиган бу лирик парчаларни лирик қаҳрамон шахси, унинг маънавий олами бирлаштириб туради.

Марказида лирик қаҳрамон турган дostonларда “мен” нутқи полифоник хусусият касб этади. Муаллиф “мен”и “биз”, “сиз”, “у” тилидан гапириши мумкин, бироқ ифода тарзидаги бу ўзгариш дoston қурилишига зарар етказмайди. “Биз”, “Сиз”, “У” нутқлари “мен” тилининг турли шакллари эканлиги аёнлашади. “Ишқ” дostonига А.Маҳкам Гадо ва Одам Ато образларини олиб кирган. Одам ва олам муносабатларини кенг фалсафий миқёсда қамраб олишга ҳаракат қилинган бу асардаги Гадо, Одам образлари лирик “мен”нинг айнан ўзидир.

Деди гадо – ишқ келтирдим қўлларимда

Қўлларимда мана сафол кафтларимда

Кўзларимда манна булоқ кўзларимда

Оёғимда ориқ ёриқ оёғимда

Ўнгларимда

Сўлларимда

Тушларимда

Ишқ келтирдим – деди гадо.

Марказида шоир шахсияти турган дostonлар тили “мен”, “биз” нутқидан сўзлаш билан чекланиб қолмайди. Маълум ҳодисани, характерли воқеани ҳикоя қилиш усули бу дoston шакли учун ёт эмас. Бироқ бу ҳикоя усули воқеаларни хронологик тартибда батафсил ҳикоя қилиш усули билан эмас, балки лирик шахс тасаввуридаги манзараларни ифода этиш орқали намоён бўлади.

“Ишқ” дostonида Гадо ва Одам Атонинг савол-жавоблари лирик “мен” нутқини янада бўёқдор этишга, эпик қамров доирасини кенгайтиришга хизмат қилади. Шу боис лирик қаҳрамон бир даврдан иккинчи даврга, бир масаладан иккинчи масалага ўтишда қийналмайди. Сурат ва сийрат, нафс ва рух, ишқ ва ўлим

тушунчалари тўқнашади. Оламнинг ўзи каби қадимий бу фалсафий тушунчалар талқинида лирик шахснинг маънавий олами намоён бўлади.

Эпик воқеабандликсиз ҳам оламнинг эпик тасвирини чизиш мумкинлигини Фахриёрнинг “Ёзиқ” достони исботлайди. “Ёзиқ” достони шоир тасаввурларининг ассоциатив боғланиши асосига қурилган. Китобхоннинг бадий савиясига таянган шоир инсоният ёзиғини мифлар, афсоналар, ривоятлар ҳамда диний қарашлар синтези орқали кўрсатишга интилади.

Гулнинг косасига қуйиб ичар вақт

Мени лиммо-лим , - деган ноодатий сатрлар билан бошланади ва достон шу тарзда давом этади.

Ҳаво ун тортади – Худо беҳабар! –

Сархуш вақтнинг бошида.

Бугдойини тортиб олар.

Табарий

Тарих битар ғорнинг тошига.

Тарих – гуноҳлар – турнақатор.

Ёзиққа? Термулар кўр (савод) сичқон.

Девнинг ҳарамидан қочган қурбақа ҳам

Форга келиб битикларни ҳижжалар не тонг!...

Қуюқ метафорик йўлда битилган бу асарни идрок этиш, тушуниш жиддий эътиборни талаб этади. Лирик қаҳрамон тасаввурида тарих воқеа-ҳодисалари аралаш-қуралаш бўлиб кетган. Тарихий хотиралар залворидан зўриққан тафаккур уларнинг барчасини қамраб олишга қодир эмас. Инсон, инсоният ёзиғини ёрита олишга хизмат қила оладиган энг зарур ҳодисаларга эътибор қаратилади. Аммо бу ҳодисалар баёни ҳам тағмаъноли бир-икки сатрга жо бўлади. Метафорик тафаккур қудрати шунда намоён бўладики, инсониятнинг юз йиллик, минг йиллик тарихи икк-уч сатрга сингдирилади. Бутун

бошли дostonлар, афсоналар, эпопеялар ишора этилган бир сўз ё бир жумла воситасида англашилади.

Бозингар ютган қилич сингари

Қудуқнинг бўғзига қамиш қадалар.

Чўпон йўқ най ясаб олгани,

Қишлоққа қайтмади ҳали подалар.

Кўриниб турибдики, Искандарнинг шохи ҳақидаги ривоят шу мисраларга жо бўлган. Лирик “мен” ўзи айтганидек, вақт гиробида оқаяпти, инсонлар тарихини кўриб турибди, ривоятларини эшитаяпти, ҳодисаларда иштирок этаяпти. Ўтмиш, бугун, келажак унинг тасаввурида қўналғасиз қушлардек чарх урапти, гўёки Дуне тарихи, инсоният қисмати унинг қалбида рўй бераяпти.

Муаллиф шахсиятининг дoston марказида мустаҳкам ўрнашиши жанрнинг барча тизимларини, жумладан, унинг қурилиш характерини ҳам белгилайди. Муаллиф шахсиятининг асар марказини ташкил этиши эса лириканинг асосий белгиси эканлиги кўплаб тадқиқотларда исботланган. Замонавий дostonларда ҳар учала тур хусусиятларининг чатишиб бораётганлигини бугун ҳам илғаш қийин эмас. Уларда лирик, эпик ва драматик тасвир усуллари тобора фаоллашиб бормоқдаки, муайян асарни маълум бир тур ва жанрга мансублигини аниқлаш мураккаблашмоқда. Шунинг учун дostonларни таҳлил этишда у ёки бу тур қурилишига хос белгилардан қайси бирининг устиворлигига эътибор қаратмоқ лозим кўринади. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашганда, XX асрнинг 60-йилларидан кейинги ўзбек дostonчилигида лирика қурилишига хос хусусиятлар етакчилик қилиб келаётганлигини кузатиш мумкин.

Воқеалар тизимини ҳикоя қилишга асосланган эпик қурилишдаги дostonлар бугунги кунда ҳам яратилмоқда. Аммо сўнгги йилларда эпик қурилишга асосланган бундай дostonларнинг яхши намуналари яратилаяпти, деб айтиш мушкул. Даврнинг қон томирларида

кечаётган ботиний жараёнлар, замондошлар руҳиятидаги мураккаб ўзгаришлар дostonнавислардан теран психологик таҳлилларни, қалбнинг сир-синоатга тўла жумбоқларига жавоб излашни талаб этмоқдаки, бу талаб лирик қурилиш андозаларига мос шаклларда рўёбга чиқади.

Зулфиянинг “Хотирам синиқлари” достонида XX асрнинг 80-йиллари охири, 90-йиллари бошида кечган давр нафаси, халқ руҳияти ўз ифодасини топган. Лирик қаҳрамон нутқи умумхалқ ҳаётининг коллизияларини, шахснинг теран руҳий оламини, жамият ҳаётининг турли жабҳаларидаги муҳим масалаларни ўзида ифода этади. Шоира лирика қурилишига хос тарзда ҳаёт манзараларини ассоциатив узвийликда кўрсатади. Бу эса шоирага воқеабанд сюжетсиз ҳам ҳаётнинг муҳташам манзарасини акс эттириш имконини берган.

Ижоди истиқлол арафасида шаклланиб, камолга етган ижодкорлар дostonларида эса лирика қурилишига хос белгиларнинг устиворлиги аниқ кўринади. А.Маҳкам, И.Отамурод, Фаҳриёр, С.Ашур, Э.Шукур ва уларга замондош ижодкорларнинг дostonларида воқеабандликка асосланилган эпик манзаралар камдан-кам учрайди. Масалан, Фаҳриёрнинг “Мучал ёши” достони бошдан-охир лирик тафаккур мезонларига бўйсунди. Албатта, ушбу дostonдаги айрим шеърӣ парчалар анъанавӣ шарқ лирикасига хос қатор фазилатлардан маҳрум. Бироқ ундаги ўйлар занжирининг бир-бирига боғланиши лирик тафаккур қонуниятлари мантиғига мос келади. 1999 йилда ёзилган бу дostonда кўнгил савдолари фалсафӣ тадқиқ этилади. Асарда кечинмаларнинг эътирофи эмас, ҳолати, ҳаракати, келиб чиқиши, йўналиши қадам-бақадам таҳлил этилади. Туйғулар изҳор этилмайди, ўрганилади. Вақтнинг шафқатсизлигидан ларзага келган қалбнинг ингроқлари дунё ва ўзлик ҳақида, умр ва моҳият ҳақида, борлиқ ва йўқлик хусусида ва яна жуда кўп масалалар тўғрисида фалсафӣ мушоҳадалар юритишга йўл очган. Воқелик қаршисида

толиққан рух ўзини ифода этиш учун шакл излайди. Аммо мавжуд шакллар бу толғин, эзгин рухга либос бўлиш учун “юпунлик” қилади.

Достонда эсда қоладиган аниқ бир эпик манзара учрамайди. Объектив олам кўринмайди, лекин ҳис қилинади, туйғу-сезимларнинг фалсафий талқинидан борлиқ сезилиб туради. Кечинмаларнинг табиий ҳаракатидан эпиклик англанади, тушунилади, идрок этилади. Шоир хаёлларидаги олам манзаралари лирика қонуниятига хос: бир-бирини инкор ва эътироф этиш усулида боғланади, тасаввур кенгликларида бирлашади. Шу билан бирга муайян бир образнинг, дейлик, вақт образининг ранг-баранг қирраларини аста-секинлик билан очиш ва унинг мукамал тимсолини яратиш “Мучал ёши” достонининг муҳим белгиларидан биридирки, бу ҳам унинг лирик табиатидан огоҳ этиб турибди.

А.Маҳкам достонларида лиро-эпик уйғунликнинг ўзига хос тарзи намоён бўлади. Агар О.Матжон достонларида эпик тасвир лирик ифода учун замин ҳозирласа, А.Маҳкам достонларида эпик ифода лирик тасвирга эргашади. Шоирнинг “Ишқ”, “Таважжух”, “Тўрт дарвеш” достонларида лирик ифода эпик тасвирлар вобасталигида ўзи учун кенг майдон ҳосил қилади. Бугунги давр воқеалари моҳиятига тасаввуф нигоҳи билан қараш шоир учун ифода тарзининг янги имкониятларини вужудга келтиради. А.Маҳкам достонларида лиро-драматизм етакчи тасвир усули ҳисобланади. У “ҳаёт прозаси”га йўл қўймагани ҳолда, воқеликнинг драматик нуқталарига лирик ҳарорат бағишлайди. А.Маҳкам достонларида драматик кайфиятлар лиризм воситасида, лирик кечинмалар эса драматик ҳолатлар силсиласидан ўсиб чиқади.

Драматик достонларда драматизм ва лиризм уйғунлиги ҳис-туйғулар ғалаёнини кўрсатишда, мураккаб психологик ҳолатларни очишда, ички монологларни ифодалашда, кўтаринки авж нуқталар тасвирини чизишда намоён бўлади. Лиро-драматик яхлитликка

эришишда романтик ва реалистик тасвирлар бирдай иштирок этади. Кўпчилик драматик дostonларда ҳис-туйғуни, психологизмни, ички монологларни очиб беришда романтик тасвирдан фойдаланилса, авж нуқталар ифодаси, характерлар тўқнашуви кабилар реалистик сахналарда амалга ошадики, дostonнависларнинг бир қанча асарлари мисолида бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Кейинги йиллар ўзбек дostonчилигида бугунги ижтимоий ҳаётга тарих кўзгуси орқали қараш удумга айланиб бораётгандек бир ҳолни кўриш мумкин. Тарихлар, ривоятлар ва афсоналар қатидаги драматик воқелик лириклаштирилмоқда. А.Маҳкамнинг “Ишқ”, “Таважжух”, Э.Шукурнинг “Ибтидо хатоси”, “Нақшбандий”, Фахриёрнинг “Ёзиқ”, Н.Афоқованинг “Жазо” каби қатор дostonларини санаб ўтиш мумкин. Мавзу танлашдаги бундай ўзига хослик сўнгги йигирма йилликда лиро-драматизмнинг имкониятларини анча кенгайтирди. Жамият ҳаётида кечган туб ўзгаришлар, кишилар психологиясидаги янгича қарашлар адабиётга энг кескин ва драматик ҳолатларга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини ишора қилган бўлса, ажаб эмас.

XX асрнинг 60-70-йилларида лирик шахснинг хаёллари, эътирофлари асосида юзага келадиган монолог кўринишидаги дostonлар кўпроқ яратилган бўлса, 80-90-йилларга келиб моддий ва маънавий оламнинг драматик ҳолатларига эътибор кучайди. Шоирларимиз давр садосига ҳамоҳанг равишда таркибида драматик конфликт мавжуд бўлган лирик ва эпик манзараларни қаламга ола бошладилар. Дostonларда бу масалани ҳал этиш лиро-драматик тасвир усулини тақозо этарди.

О.Матжон “Беруний”, “Паҳлавон Маҳмуд”, А.Қосимов “Турди Фароғий”, У.Азим “Халил Султон”, Т.Жўра “Ўртоқ Маяковский” сингари дostonлари билан ўзбек дostonчилигида лиро-драматик тасвир усулини мустаҳкамладилар.

Н.Афоқованинг “Жазо” драматик достони 1997 йилда чоп этилди. Шоира жаҳон бадий сўз санъатида чуқур из қолдирган мавзунини Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳаёти билан боғлиқ ривоятни қаламга олади. Инсоният тарихининг муқаддимасидаги бу драматик манзаралар ўзининг лирик ифодасини топиш учун шоирадан катта истеъдод талаб этар эди. Н.Афоқова ана шу драматик манзараларга ўзига хос нигоҳ билан қарашга ҳаракат қилган. Шоира драматик характердаги бу ривоятга лирик ҳарорат бағишларкан, ривоятнинг янги бир талқини юзага келади.

Одам Ато ва Момо Ҳаво беҳиштдаги ҳаётларини кўз олдиларига келтирганларида улар нутқида лирик ифода кучаяди, заминий реал ташвишларга рўбарў келганларида улар нутқида лиро-драматик ифода сезиларли тус олади. Демак, тасвирдаги у ёки бу йўналишнинг устиворлиги шароит ҳамда характерлар мантиқи билан асосланиши керак.

“Жазо” достонининг айрим ўринларида лирик тасвир билан бошланган ифода драматик шиддат билан поёнига етади ёки аксинча. Шоира бош қаҳрамонлар руҳиятидаги зиддиятларни тасвирлаш билан чекланиб қолмайди, у драматик шиддатни сақлаб қолиш мақсадида, Иблис образини чизар экан, ғоялар жангига замин ҳозирлайди. Одам Ато ва Иблиснинг диалоги шунчаки айтишув ё оддий машмаша эмас. Бу – илоҳий ва шайтоний кучларнинг асрлар бўйи давом этиб келаётган азалий тўқнашувидир.

И Б Л И С

(заҳарханда билан)

Хоҳласанг ўзингни ўлдир, ёқ, қил қул,
Чиқмайман ичингдан, чиқмайман асло!
Қонингга қўшилиб оққум муттасил
Сенинг етмиш икки томиринг аро!

Ривоятларга кўра, Одам Ато ва Момо Ҳаво Иблиснинг қутқусига учиб, жаннатдан маҳрум бўлишади. Заминий турмушларида ҳам уларни Иблис таъқиб этади. Инсоният тарихининг илк даврларидан бошланган бу таъқиб бугунги кунгача ҳам давом этмоқда. Шоира истиқлолгача ўзи кўрган давр ҳаётини, тузум юзага келтирган турмуш манзараларини шу ривоятлар асосида талқин этади.

Хуллас, инсон ҳаётига азалий ва абадий моҳият нуқтаи назаридан қараш, замондошлар онгида кечаётган ўзгаришлар силсиласини бутун мураккабликлари билан акс эттириш, даврнинг эпик манзарасини лирика воситасида чизиш ҳамда серқатламликка, полифонияга интилиш бугунги дostonчиликда лиро-драматик ифода тарзининг аҳамиятини оширди. Бу йўналиш замонавий дostonчилик “сарҳади”нинг муҳим фазилатларидан бирига айланиб бормоқда.

Адабиётшуносликда мумтоз дostonлар эпик турга, замонавий дostonлар лирик турга нисбат берилади. Ана шу нисбатнинг ўзи ҳам дoston табиати мураккаблигини кўрсатиб турибди.

Адабиёт агар инсоннинг абадий орзу-умидларини, армонларини, идеалларини акс эттирса, публицистика унинг муайян давр учун зарур бўлган социал эҳтиёжларини, талабларини ҳал қилишга кўмаклашади. Бошқача айтганда, публицистика инсон ва ҳокимият ўртасида воситачилик қилса, адабиёт инсон ва Илоҳ ўртасида тилмочлик қилишга ҳаракат қилади. Адабиёт ва публицистиканинг қўшиливи 70-80- йиллар дostonчилигида қоришиқ, аралаш тасвирни янада кучайтирди. Аралаш тасвир ўзининг ажойиб синтезини топган асарлар сирасига М.Юсуфнинг “Кўҳна қудук”, “Қора қуёш” дostonларини киритиш мумкин.

“Кўҳна қудук” XX аср Бухоро тарихига бағишланган. М.Юсуф Бухорони кўҳна қудукқа қиёслайди, бу “Искандарнинг шоҳи бор” деб дардини қудукқа айтган чўпон афсонасини ёдга солади.

Чиндан ҳам мустақиллигимиз арафасидаги Бухоро не-не ғаму андуҳларни бағрига кўмган, обидалари янглиғ ичидан нураб бораётган ва айни пайтда ҳазин садолар таратиб, кўкка унсиз нола қилаётган қудуққа ўхшарди. Шоир Бухорога сафари натижасида кўнглида туғилган титроқларини, ҳис-ҳаяжонларини гоҳ публицистика оҳангида, гоҳ оддий сўзлашув услубида, гоҳ лиро-романтик, баъзан лиро-драматик тасвирларда муҳташам мазмунга жамлашга ҳаракат қилади.

“Бухоронинг жин кўчалари” (А. Мухтор), “Тош туғён” (Ж.Камол), “Бухорони Шариф дерлар” (А.Ҳасан), “Бухоронома” (Т.Аҳмад) каби асарларда Бухоро мавзусига қайта-қайта мурожаат этилган. М.Юсуф буларни такрорламаган ҳолда “ўз Бухороси”ни яратади. Бухоронинг ҳақиқий қиёфасини гавдалантириш мақсадида шоир турли-туман тасвир усулларини қўллайди.

“Куйган жойдан куй чиқади, дейдилар. Бухоронинг эса куймаган жойи йўқ. Бунда нимаики қуламасин куй билан қулайди. Девор қуласа куй, мақбара қуласа куй, ҳовуз қуласа куй...”.

Драматик ҳолатдаги публицистик мавзу лирик талқини билан эпик шаклда намоён бўлмоқда. Бошқа бирор бир жанрда тасвир усули дostonдагидек ранг-баранглик касб этиши мушкул. Сафарга қадар шоир хаёлларида Бухоронинг гуллар ва афсоналарга тўла, Боғи Эрам чаманларини эслатадиган қандайдир сирли, дилтортар романтик образи яшаган, бироқ, у кўрган реал Бухоро хаёлдаги, тасаввурдаги Бухорога мутлақо ўхшамайди. Шунинг натижасида руҳий драма туғилади.

Маъюс куним, кўзим тушса,
Куяр осмон, тушунмайсан.
Мени сабо тушунгайдир,
Сен эй инсон тушунмайсан...
Менинг йўлим узун армон,

Ўзим довон, ўзим карвон,
Мени сахро тушунгайдир,
Сен эй сарбон тушунмайсан...

М. Юсуфнинг “Қора қуёш” асарини кўздан кечириб, универсал тасвирнинг дoston поэтикасида мустаҳкам асосга эгаллигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Дoston хат билан бошланади: “Жондан азиз синглим Қумри! Мактубингга жавоб ёзаман, шунинг учун ёзаманки, кечаси соат тўртда эслаб хат ёзганинг учун ёзаман , яна шунинг учунки, ёш қалбинг бахтсиз маҳбус учун эзиб ширин уйқунгни бемаъни саргузаштим билан бузганинг учун ёзаман...”

Хатдан сўнг муаллиф изоҳи берилади. “Муаллифдан: Бу хатни мен тасодифан топиб олдим. Шу ҳолда имлоларини тузатмай сизга ҳавола этдим. ”

Муаллифнинг қисқа изоҳи ҳаёт ва ўлим, бахт ва армон, инсон ва давр каби боқий фалсафий масалаларнинг драматик тасвирига йўл очади.

80-йилларнинг охири, 90-йилларнинг бошида дostonчилигимизда модернизм санъатининг намоён бўлиши, унинг миллий анъаналар билан уйғунлашуви аралаш тасвирнинг сарҳадларини кенгайтирди. Профессор У.Норматов ва адабиётшунос У.Ҳамдамнинг “Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи” номли адабий суҳбатида А.Қутбиддин, Фахриёр дostonларидаги ана шундай ўзига хослик, оригиналлик теран тадқиқ этилган.

М.Юсуфнинг “Қора қуёш”, “Кўҳна қудук” асарларида қўшиқчилик санъати (куй билан ижро этишга мўлжалланганлиги) дан, Фахриёр “Аёлғу”сида тасвирий санъат (сўзлар воситасида расм чизиш) дан фойдаланишга ҳаракат қилганликлари дostonчиликда аралаш тасвирнинг янги-янги кўринишлари юзага келиши тайинлигини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, айрим ҳолларда шоирлар ўз туйғу ва кечинмаларини бор бўйича фикрга ифода этишда қийналаётганликлари сезилади. “Инсоннинг сийратидаги, ички сезимларидаги ўзгаришлар, руҳий инқироз ёки кайфиятидаги ярқироқликлар аксар ҳолларда унинг ўзига ҳам тушунарсиз бўлиб қоляпти...

Қадим аجدодларимизнинг илк мулоқот воситаси бўлган тил ҳам, айтиш мумкинки, бугун сайқалланган, аксарият, тасаввурдан олис мавҳум ҳолатларга ақл кучи ожиз бўлган ҳодисаларга ишора қилувчи белгилар тарзида шеъриятга кўчиб ўтяпти. “Товуш шеърияти” ёки “Онгдан ташқаридаги тил» шеъриятининг пайдо бўлиши шу хил изланишлар самарасидир.”²

² //Шарқ юлдузи, 2002.4-фасл.151-бет.

Бугунги кун достонларида анъанавийликдан қочиш, яланғоч воқеабандликдан қутулиш йўлида шоир инсоннинг илк шаклланишидаги ифода воситаларига, имо-ишораларга, белгиларга ҳам мурожаат қилаётир. “Руҳиятнинг камоли тафаккур тараққиётидан кўра ҳис ва ички сезги тараққиётига боғлиқлиги англономда ...Инсон сўз билан нафақат набодот, жамодот ва ҳайвонот дунёси ўртасига, балки, энг ичкин сезимлари орасига чегара қўйди. Бугунги ўзбек шеърияти ана шу чегарани олиб ташлаш, энг ичкин сезимлар билан тил топишиш сари боряпти.”¹

¹ //Шарқ юлдузи, 2002. 4-фасл.151-бет.

Маълумки, сўнгги давр достонларида туйғуни белгилар воситасида суратлантириш ва шунга ишора қилиш ҳодисаси кузатилмоқда. Туйғулар суратини тиниш белгиларда моддийлаштириш усулидан дастлаб истеъдотли шоир И.Отамурод

Ўзининг “Ярадор умид отлари” достонида фойдаланган эди.
 “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, “Ичкари ...Ташқари”, “Анинг умиди”,
 “Сопол синиклари” дostonларида эса бундай тасвир усули
 кучайтирилган. Шоирнинг “ Ёбондаги ёлғиз дарахт”
 достонида , айниқса бу хусусият ёрқин кўзга ташланади:

Ё _____Д_____Ж
 Л_____А_____И
 Ғ_____Р_____М
 И_____А
 З_____Х
 Т

Ёш олим А.Ҳайитов туйғулар суратини белгилар орқали бериш
 ўқувчини ҳам кечинмаларга шерик қилишнинг бир йўли эканлигини
 баён қилиб, “Ёбондаги ёлғиз дарахт”
 достони хусусида шундай дейди: “... мутолаа қилаётган шеърхонда
 руҳиятидан келиб чиқиб, шоирнинг сўз шаклига тушмаган бадий
 ифодасини ўйида, хаёлида, руҳида ёки дилида давом эттириш
 имконияти бўлади. Шунингдек, дostonда ўқувчига туйғуларининг
 бадий ифодаси учун имконият айрим сўз ва сўз бирикмасига
 мувашшаҳ битиши мумкинлиги тарзида ҳам қолдирилган.”¹

¹//Шарқ юлдузи, 2002. 4-фасл.152-бет.

Дунё.....
 армонларни.....
 ютгувчи.....
 канор.....
 ...Бардошимнинг тоқати тўлур
 йиқилади сабримнинг уҳи...
 Ё ...б...о...н.
 ... б ... и... т....м ...а...с...

.....Д...О ... Ғ...И...Н...Г...-а...

.....б...ў...л...у...р...

ёлғиз дарахтнинг чиркираган руҳи...

Йилдан - йилга гўзал адабиётимизнинг бисоти янги ижод намуналари билан бойиб бормоқда. Сўнгги давр адабиётида шунақа дostonлар ҳам яратилиптики, уларнинг муаллифлари турли назмий ва насрий сочмага ҳам мурожаат этмоқдалар. Замонавий dostonлардаги эпик бўлаклар, парчалар муаллиф ички дунёсини очишга йўналтирилган воситалардир. Эпик тузилишга хос воқеа-ҳодисалар манзараси ихчам шаклларга кириб лирик тур ҳужайраларини боғлашга, лирика “истеҳкомлари”ни мустаҳкамлашга йўналтиради. И.Отамурод “Сен” дostonида бундай тасвир йўриғидан самарали фойдаланган. Лирик “мен” нинг “сен” га нисбатан қалбида туйган кечинмалари, туйғулар пўртанаси беихтиёр, тизгинсиз насрда бўй кўрсатади:

...Соғиниб- соғиниб кутганим – дунём ...

Юрак –юрагим талпинган биттам...

“Мана шунинг ўзи бахт ...Ғийбату ташвиш, алдамчи шодлигу яна нималаргадир тўлиб-тошган ҳаётда сизнинг борлигингиз нималаргадир ундайди ... Нималарнидир ваъда қилади ...Ҳозир тун ... Мен хонамда ёлғиз ўтирибман-у ҳаёлим олис-олисларда ...Хазон босган йўлкалардами...

уфқдан отилган найзалардами... Хуллас, қаерларгадир ...Шуниси аламлики , ... ҳозир Тошкентда ҳам тун ... Ўртада масофа бор ... БУЮК МАСОФА – ОЛИСЛИК ...” ¹

¹И.Отамурод. Тавр.2005.64-бет.

Ўзбек халқ шоири Маҳмуд Тоир эса ўзининг “Ошиқ оҳи” дostonини қоришиқ усулда, яъни наср ва назм намуналарини муштаракликда қўллаб яратган:

“Севгим ... Соғинч кўрғонида самовот султониға саловат айтиб,
дунёнинг бевафолиғидан ўкинган севгим. Сени соғиндим. Сени
ахтаргим келди. Айт, кимдан, қайлардан сўроқлайин сени?! Ёлғон
орзуларға ёлворган кўнглимнинг жавобсиз саволлариданми?

Эй, бевафо дунёнинг кўргуликларидан зериккан юлдузлар...
Чимдим нурунгизни адашган ошиқдан дариғ тутманг. Агар
билсангиз, тун кўксини куйдиргувчи бир оҳ бор. Бу ошиқлар оҳи ...

Бир оҳ бор тотли бирам,
Чеккувчидан жой олган.
Бу оҳ асли дунёға
Мажнундан мерос қолган.”¹

¹// Ёшлик . – 1-сон.-2007.16-бет.

Дарҳақиқат, бугунги кун дostonларига хос юқоридаги каби
услубий изланишлар дoston жанрининг тараққиётига омил бўлади.
Ижодкорларнинг бетиним изланишлар жараёнида эришган ижодий
ютуқлари эса сўнгги давр ўзбек дostonлари тараққиёт тамойилларини
белгилади.

Боб юзасидан хулосалар:

- замондошимиз онгида, хаёлоти, руҳиятида содир бўлаётган
жараёнларни бор кўлами ва турфа ранглари билан тасвирлаш
тенденцияси шоирларга инсон онги ва дунёсининг бетакрор,
зиддиятли ҳолатларини ҳаётнинг ўзидаги каби табиийлиги
билан бадий гавдалантириш имконини бермоқда;
- шахсликнинг моҳиятини янгича услуб ва талқинда бериш
тенденцияси бугунги шеърятимиз, хусусан, ўзбек
дostonларида бор бўй-басти билан намоён бўлмоқда;
- инсон ҳаёти ва руҳияти моҳиятини холис кузатиш , тафтиш
этиш орқали шоирлар давримизнинг муҳим жараёнларини инсон

руҳияти, идроки, мушоҳадаларидаги ўзгаришларга боғлаб ёритишга эришмоқдалар;

- ўтмиш давр – мустабид тузум ва унинг мафкураси етказган фожиаларни инсонлар онгу тафаккури ҳамда руҳиятидаги инкирозга, зиддиятга боғлаб ёритиш орқали бу жараёнлар моҳиятини очиқ беришга интилоқдалар;
- ишлаб чиқариш мавзусидаги жасоратлар мадҳи ўрнига лирик қаҳрамоннинг руҳият қатламлари тадқиқ этилоқда.

II БОБ. Икром Отамурод достонларининг поэтик хусусиятлари.

II.1- фасл. “Тағазул” достонида кангулнинг янгича талқини.

Икром Отамурод достонларида олами ва инсон кўнглини поэтик идрок этиш янги босқичга кўтарилганлигининг гувоҳи бўламиз. Уларда ҳиссиёт қатламларини тадқиқ этиш, одам руҳиятидаги бой, олис ва рангин иқлимларни поэтик кашф этишга уриниш кучли. И.Отамурод ҳар бир ижод маҳсулида кўнгилни поклашга алоҳида эътибор қаратади. Чунки кўнгил Аллоҳ маскани эканлиги ва уни тозаламай туриб, Ҳақ жамолига эришиш мумкин эмаслигини шоир тийрак нигоҳ ила англайди ва китобхонни ҳам ҳушёрликка даъват этади. Қолаверса, олами шоирона идрок этолмайдиган, унинг бошқаларга маълум бўлмаган қирраларини кўра олмайдиган киши шоир бўлолмайди. Улар доимо нимадандир норози, нимадандир ҳаяжонда юради. Дунёни борида жозибалироқ, дамларни ҳозиргисидан мукаммалроқ кўриш қувончи шоирни доим безовта қилади. Шу сабаб у тинимсиз тўлғанади, изланади; шоир бир умр ўзини излаб, ўзини текшириб, ўзини кашф қилоққа интилиб яшайди... Ўз қалбини тўхтовсиз тафтиш қилади. Чунки излагани ташқарида эмас, ўзининг юрагида. Ўз кўнглини англамаган одам ўзгани тушунолмайди. Ўзгани тушунолмаган кимса Ҳақ билан сирлашолмайди. Ҳақ билан сирлашишнинг энг беҳато йўли унга

беғараз мухаббатдир, уни адоқсиз севишдир. И.Отамурод битиклари замиридан ишқ сувратларини илғайсиз. У кўнгил поклиги – мухаббатга кадам туфайли қалам тутди, мухаббатни куйга солди ва хали ҳануз чин севгига эришиш изтиробларини айтиб адо қилолмайди.

Мазкур туйғунинг уфқи кенглиги, лекин буларнинг ичида маҳбубга, севганига бўлган мухаббатга бағишланган асарларнинг умри узоқ ва таъсирлироқ бўлишининг сабаб ва оқибатлари шундай изоҳланади: “...унда кишининг бутун вужудини покиза ва сирли бир хис чулғайди, тоза қон томирларда кўпиради, қалбга оппоқ нур кириб келади. Бу нур тананинг бутун пучмоқларига тарқалиб, нафсоний туйғуларни қувади, фикр тиниклашади. Бутун олам кўзига бениҳоят гўзал туюлади. Маълумки, гўзаллик – эзгуликдир. Вужуд эса ардоқли армонларга тўла. Шоир туйғуси, дардлари ўз дардингизга айланади. Ҳақиқий туйғу билан йўғрилган чинакам шеърятнинг таъсир қуввати уммонага тенг бўлади.”¹

¹Ҳ.Каримов.Истиқлол даври шеърятини. Т.:Зарқалам, 2005.

Шоирлар ўзларининг ишққа дохиллигини сўзда баён қилмайди, руҳий кечинмаларини сўз орқали шунчаки айтмайди, балки ҳолат тасвирида кўрсатади. И.Отамуроднинг “Тағаззул” достони билан ошно тутинган ҳар қандай қалб ботиний изтироблар гирдобиди азобланади, тағаззул биносининг тарзи билан танишгач, олам ажойиботларидан ҳайратланади. Ўқувчи учун мавҳумлик касб этган дoston номи унинг эпиграфида изоҳланади:... Араб ва ҳинд шоирлари тағаззул биносини яратдилар... (“Хизонаи омира” китобидан).

Тағаззул – арабий сўз бўлиб, ғазал ёки ошиқона шеърлар ўқимоқ ва битмоқ маъносини билдиради. Ишқбозлик, ошиқлик маъноларида ҳам келади.

Шоир “Тағаззул” достонида мана шу ишқбозлик, ошиқлик кечинмаларидан, ишқ “яролари” дан қад кўтарган бинони тасвилайди:

Тағаззул – кўп қадим бинодир, зотан,
меъморлари – кангул фуқаролари.

Ишққа дохил суяги сурмаларга танг –
жисмимда ниш отган ишқ яролари.

Ишқ биносининг меъморлари – кангул фуқаролари, унинг деворлари соғинчлар, сабрлар, сукунатлар, азоблар ва ёнишлардан яралган. Шифтини безаб турган оғочлар шу бинонинг “фуқароси” устихонларидан; нақшларига зеб берган суюқлик эса унинг қонларидан бунёд бўлган; кўзлари “қалдирғочга интиқ дераза” мисоли маъюс. Лирик “мен”нинг жони бинонинг “саҳнларини ёритган чироқ”; эшиги – зил кетган юрагининг дарзи; бинонинг тарзи – ҳажр ёмғирлари емирган вужуд тимсолида. Бул бино яралгандан буён “сас берур – кангулнинг ноласи, кангулнинг куйи”. Достонинг кейинги қисмларида шоир риторик сўроқ усулидан ва “мастона канглу” га такрор мурожаатдан фойдаланиб, кангулнинг турфа қирраларини кўз ўнгимизда моддийлаштиради. Кангул уйининг – борлиқнинг не учун “кундузи фироғу, ҳижрондир тунин?! Бу нечук хилқатки, мен каби нотагон, мен каби ғариб? Кангул уйини чулғаган бу нечук дардди, қайғуни ҳам, ғамни ҳам сел қилур?!”

Шоир образи – “мен” саволларига жавоб излаш жараёнида уларнинг фақат кангул билан англоувчи сир эканлигини тушуниб етади. Ишққа эшик очмаган одамлар “мен” нинг кўнглини, қайғуларини, ҳис-кечинмаларини тушунишдан узоқдирлар. Шоир ўз кўнглининг “йиртилган варағлари”га назар ташлаб, “канглум – ишқ дардини ўстирган туфроқ, ишқ – таржимаи ҳоли канглумнинг”, - дея умр бўйи ўз канглуба талпиниб яшаганлигини уқтиради. Ҳар тун, ҳар кун унга интилади: недандир умидвор бўлади, неларгадир ишонади,

неларнидир кутади. “Мен”нинг бу йўлдаги дарди, азоби шу даражадаки, тунлари осмонда ой, юлдуз йўқ, кундузни қуёш ҳам четлаб ўтади:

Ў, ишқ, йўлларида ҳижрон дили тўқ,
ў, ишқ, йўлларида висол кўзи нам!

“Мен” ўз мақсадига етишда – кўнгил уйини барпо этишда ишқ йўлларида азоб симиради, ундан йўллари висол томон элтишини сўрайди:

Ў, ишқ, йўлларида бўлдим-ку хазон,
ў, ишқ, йўлларида мурувват борми?

“Мубталои ишқ” – “мен” англаб етадики, фақат буюк ишқ билангина тағаззул биносининг меъморларидан бирига айланиш мумкин.

Шоир ўз “истарим”ига мурожаат қилиб, ўз кўнгил уйини барпо этишига елкадош бўлишини сўрайди:

Сенинг дарагингни келтирмас сабо,
соғинчинг кўйида чуркайди дилим!
Бир хабар айлагин қалдирғоч қабо,
бир хабар айлагин, лоларўй гулим!

Йиллар адоғида “мен” шафқатнинг қаттоллигини, ҳажрнинг озор билан бандлигини туяди. Сўнгра ҳижрон томон юзланиб, уни висол учун йўл бермаганликда айблайди: “Ҳижрон сан – тошдирсан, ҳижрон сан – темир”. Бу ҳам етмагандек, ҳижрон висол чоғирига армон қуяди; “мен”нинг бору будини афсусга қоради; йўқ ердан пайдо бўлиб, доим қаршисида кўндаланг туради. Шунга қарамасдан, “мен”нинг ишққа ташналига ортади, кўнгил уйи томон интилаверади:

Барибир...
бордир ҳар лаҳзада нимадир илинж,
бордир ҳар лаҳзада нимадир пайғом...

Қалдирғоч рамз-образида шоир “кангул”нинг янгича талқинини яратишда фойдаланади. Ундан “кангул” ғарибхонасини ёритиб, ошён қилишини сўрайди:

Қалдирғоч, канглумга йўл бошла,
Канглум висолга чанқоқ.
Равиш айла, назаринг ташла,
Бардош бекор, тоқат тоқ!

“Кангул”га интилиш ҳиссиётларини кангулга айланиш, кангулни англаш сезимларини И.Отамурод шунчалик нозик туйғулар кўзи билан кузатади. Шоир дoston орқали, тўғрироғи, ундаги рамз-образлар воситасида лирик қаҳрамон – “мен”нинг қалбини қуршаган ададсиз кечинмаларни ифодалайди. Умуман, унинг қалдирғочга мурожаат қилишдан мақсади қалбнинг муайян муҳитдаги ҳолатини чизишдир. Бундай пайтдаги манзарани бундан аниқ ва ёрқин чизиш маҳол. Лекин шоир учун манзарани тасвирлашнинг ўзи етарли эмас. “Мен” қалдирғочни “ишқ не жафо солур, не имтиҳон – айролик?” дея сўроққа ҳам тутайди. Сўнг канглумни бор этгинда, уни осмонингга, заминингга, жанубингга, шимолингга айлантир, канглумни макон эт, дейди:

Ишқ аслинг бўлсин канглум.
Тўрт фаслинг бўлсин канглум.
Сенинг савдойинг канглум.
Сенинг шайдойинг канглум...

Лирик қаҳрамон “Қалдирғоч, сен қайда, қайдасан? дея бутун оламга ҳайқириб, ниҳон изларини излайди; нетсин, унинг кангул бўзлари чорасиз дард пайдосидан сўйлайди. “Мен” ҳар қанча ҳаракат қилмасин, қалдирғочнинг изини тополмайди. Аммо уни барибир умид, ишоч, кангулни топиш илинжи тарк этмайди. Мана шу илинжнинг пайдо бўлгани бу – кангулни кашф қилиш томон қўйилган илк одимдир:

Қалдирғоч, мохтобон қалдирғоч,
соҳибжамол – суюклим!
Канглум сенинг, сенда канглунг оч,
этгин канглум суюкли!

Қалдирғоч – бахт тимсоли, унда эртанги кунга талпиниш, кангул манзилига етиш томон парвоз ифодаси акс этади. Достондаги ташбеҳлар ҳам ниҳоятда оҳорли ва кўп мазмунлидир. “Шамс бўл, канглумда кундуз, тунда бўл сулув ойи...” Қанчалик ёрқин ифода ва чуқур фалсафий мушоҳада! Унда лирик “мен”нинг изтироби, ўкинчи, ўтинчи ўзини бор бўйи билан намоён қилади.

И.Отамуруднинг барча достонларида фикр тифизлиги, фалсафий теранлик устуворлик қилади. Унинг мисралари ўйчан, вазмин, гоҳида эса пўртанавор. Шоир туйғу, фикрга монанд оҳори тўкилмаган, фикрни тўла ифода этадиган чакмоқдай сўз, ифода, образ топади. Бу сўз, образлар аввал шеърят тилида ишлатилмаганлиги ва кутилмаганда достонда кучли маънони ифодалаши билан лол қолдиради. И.Отамуруд сийқаси чиққан образлардан қочади, кўпроқ истиоравий фикрлайди. Шоир ижодига хос бу хусусиятларни эътиборга олмаган баъзи адабиётшунослар унинг асарларини мураккабликда, тушуниш қийинликда айблайдилар.

“Тағаззул” достони И.Отамуруднинг ҳеч қайси ижодкорникига ўхшамаган, ўзгача қарашлари, тасаввурлари ҳосиласи. Достонда сабр тўғрисидаги муайян қарашлар “кангул” тимсоли кашфига хизмат қилдирилган. Лирик “мен” қачондир кангул маконига етажагини англаган ҳолда, ўзини сабр измига топширади. Англашиладики, фақат шоиргина кангулнинг “чўкиртаси жуссаси” ни туйиши мумкин. Шунга кўра, у кангулни сабрга сиддиқ айлайди; кангул ихтиёрини ҳам сабрга бериб, доим унигина тинглашини таъкидлайди, яъники лирик “мен” сабр билан абадий бирга. Ишқсизлик оламида яшаётганидан ўксинади; ўксиниши ҳеч нарсага арзимади; нари

борса “куяётган жону кул бўлган бағир” сингари. Қувоч ундан “йироқлик табри”, ўксиниш эса яқинлик нишонаси. Шу боис “мен” сабрга юзланади, уни ўксиган канглуга биродар тутлади:

Сабримга кадрдон тутиндим чоғимлаб,
ишқ қайғуси жоним этмиш гирифтор.
Абрлар чанбарин йиртиб ёмғирлар,
шовиллаб қуйилар еру осмон тор.

Кўринадики, ишқ қайғуси лирик “мен”нинг жонини гирифтор айлайди. Шоирларнинг дардга, қайғуга ошнолиги бизга маълум. Чунки ғам, азоб кўнгилнинг покланишидан ишоратдир. Абр чанбари – булутлар тўдаси, ёмғир эса “мен”нинг изтироблари ифодаси. Ўкинч, алам либоси-ла бурканган туйғулар пўртанаси туфайли ададсиз ер ва осмон кўзга торлик қилади. Яхши ҳамки, сабр кангул мулкини ошён тутган: бутун борлиқ ундан нафас олади, жисмида «нишлайди тоқатлар ғуж-ғуж». “Мен”нинг йиғиси ҳар лаҳзада томоғини бўғиб келади. У ҳам кангул каби сағир: дилхун, дилафгор, дилхаста. Ҳижрон оловида тобланган тиғини юракка найзадек санчади.

Мумтоз адабиётимиз анъаналарида ҳазрати Аюб пайғамбар образи воситасида жуда кўп ижод намуналари яратилган. Бу тимсол ҳозирги замон адабиёти вакиллари ҳам бефарқ қолдирмайди. Чунки ҳазрати Аюбнинг “ҳар бир тола сочи бошдан то охир сабрга айланган”. Айтиш керакки, лирик “мен”нинг сабри ҳазрати Аюбникидан кўра мўл. Бу ҳолат қуйидагича инкишоф этилган:

Сабримнинг синиғи юкин ортса гар,
майишиб кетади тоғлар елкаси.
Фақат сабримдан куч олгай муқаррар
жоним – дийдорнинг қуриган тинкаси.

Лирик “мен”нинг ҳаётини, унинг кечинмалариничуқур идрок этиш, умрининг авж нуқтасини, драматик ҳолатларини тасвирлаш;

дaрд вa изтирoблaридa ўзлигини, “кaнглy”ни aнглaб eтмaгaнлaрнинг ўкинчини мисрaлaргa мyxрлaш шoирнинг ўзигa хoс хусусиятлaри кaтoридa турaди. Дийдoрнинг қуригaн тинкaсини сaбргa қиёс eтиш вa унгa сaбрдaн куч oлиб бeриш ҳoдисaси oрқaли китoбхoнгa “мeн”нинг aлaм-қaйғуси aнглaтилaди, изтирoблaри уммoни кўрсaтилaди.

Юқoридa aйтиб ўтилгaнидeк, лирик “мeн”нинг сaбри бисёр: хижрoннинг зулмигa дoш бeрaди, шиквa (нoрoзилeк, шикoят, хасрaт)сигa тaкбир тoпaди; “мeн”нинг кўнгли тўқ: сaбрнинг тaғaззул бинoсини гaрд юқтирмaй aсрaшигa ишoнaди.

Шoир шy ўриндa қуйидaги ўхшaтишни кeлтирaди:

Сaбр-дa, чилвирин мaҳкaм бoйлaди,
мушфиқ кaнглум йўргaн бўзигa.

“Мeн”нинг кaнглy ўз йўриғигa эгa. У йўргaн бўзгa сaбр ўз чилвирини мaҳкaм бoйлaгaн, яъни кaнгул сaбрни ўзигa сиддик aйлaгaн. “Мeн”нинг ҳaр oни изтирoбгa йўғрилгaн, унинг фиғoнини ўз фиғoни сўрaди, яъни нимaнинг фирoғи? Қaлдирғoчнинг – эртaнги кунгa ишoнчнинг, ишққa дoхилликкa илинжнинг фирoғи. Бу фирoғдaн жoн мушкул, тaнг aҳвoлдa қoлгaн. Мaнзил-мaкoни шунчaлaр йирoқки, бир дoвуш кeлмaйди. Лирик “мeн” ўз ҳaрaкaтлaридaн бирoр мaъни тoпaди ё йўқ: дили қуриб бoрaди – ўйдaн, дунёнинг сўрoқлaридaн.

Шoирa Фaридa Афрўз ишқни мoҳият, дeб билaди: “У бoр жoйдa мунoзaрa, муҳoкaмa, мусoдaрa бўлмaс! Уни билгaнлaр жaнглaр қилмaс, тухмaт билмaс, нoишқлaр, нoкaслaр, нoдoнлaр сaри кeлмaс!...”¹

¹Ф.Афрўз. Ушшoқ. Т.:Шaрқ,2004.3-бeт.

Дaрҳaқиқaт, ишқнинг синoaтлaри – бaғри тилим-тилим қaтлaри, “Aён, эски йиртиқ хaтлaри, Тaғaззулнинг туфрoғлaридaн”.

Сукунат – руҳда намоён, руҳнинг шакли “мен”нинг зоҳирию ботинининг нақли сукунат билан тил топишган, у дил тубига ўйилган сир, тани ишқ зикрига йўйилган. Сукунат – Ҳаллож – тағаззул биносида ёрга етмай йиғлаб ўтган; сукунат – жола – тағаззул биноси бағрига тўкилган қат-қат ёш; сукунат – оҳанг – Пири Чангийнинг дил тебраниши. Лирик “мен” каби тағаззул биносининг меъморлари сукунати ишқсизлар сукунатидан фарқ қилади. Уларда юқоридаги ҳолатлар ўзини намоён этиб, ишқ дунёсининг синоатларидан хабар беради.

Сукунат –

тағаззул биносида танг –

паймоннинг синиши, аҳднинг синиши.

Сукунат –

тағаззул биносида ҳориб –

канглу тўлган ҳам, канглу сўлган ҳам...

...Қалдирғоч кўзларин тушида кўрар –

дардларнинг, ғамларнинг қаърига ботиб...

Учаётган баргларга термулиб турар –

тағаззул биноси сукунатни ютиб...

Лирик “мен” ишқсизлик, сукунат, бемехрлик қалбларнинг мудрашига олиб келишини, бунинг охири одамларнинг кўнгил уйлари биноси нурашига сабаб бўлишини англаб, изтироб исканжасида қоврилади. Аёнки, рангсиз туйғулар бўм-бўш кўнгилларни ифода этади; яшашдан мақсаднинг ноаниқлиги, аҳду паймоннинг синиқлиги, кўнгил меъморларининг ишқдан яратган қадимий тағаззул биноси емирилишига сабаб бўлади. Ўқувчи “мен” дардли, қайғули фарёди таъсирида буюк ишқ – тағаззул биносига талпинади, уни асраб қолувчилар қаторида туриш учун, аввало, ўз кўнгил тағаззулини мустаҳкамлаши кераклигини англайди.

Тағаззул биносига етиш осон эмас. “Мен” унга интилади, васли етиб бўлмас узун йўл эканлигини туяди, машаққати ғамга гирифтор қилишини билади. Уни ишқ уйидаги пинҳон шахлолардан дарак берувчи – юлдуз нигоҳидаги зийнатдек – сирлар қийнайди.

И.Отамурод “Тағаззул”да тажнисли – омоним сўзлардан ҳам фойдаланиб, ўзига хос бадий кашфиётлар яратган:

Найлайин, ох, бе чораман,

Бор-йўғи зор, бечора ман.

Аввал, охир бе чора ман.

Аввал, охир...

Мисраларда “мен”нинг ўкинч, изтироблари, оҳи, дардли ҳислар пўртанаси аксланади. Биринчи мисрада “мен”нинг бе чоралиги – тадбирсизлиги; иккинчи мисрада бечора, мискин, ҳақирлиги ифодаланса; учинчи мисрада эса, аввал, охир бе чора – “мен” эканлиги инкишоф этилади. Кўнгил уйини забт этиш ҳажри дилга ёр, яъни доимий ҳамроҳ, доғи жонга дор, васли хумор бўлди, “мен”нетсинки, дардига даво топса?! Унинг барча интилишлари бесамар кетмоқда. Ҳусни жамолини истаб, Ўзига илтижо қилишдан бошқа чораси йўқ.

Лирик “мен” тағаззул биносига етишиш жараёнида ён-верига, атрофига назар ташлаб, турфа тоифаларга дуч келади. Дунёнинг тамкин – ўткинчилигини; “азоб тўла жом” лигини, қуёш чиқиши баробарида, албатта ботишини, тонгнинг ёруғи тунни сидиришини тушуниб етади. Талотўм, сур-суронларнинг охири ниҳоя топишини фаҳмлайди. “Саботин кемирган эски очун”да ҳамма нарса: ҳаваслар, замлар, қувончли дамлар ҳам ўткинчи. Охир кун келиб, савлатли қасрларни суяб турган бўрвойли устунлар зил кетиб чириydi. “Амаллар отини йўрттирган доғулар” вақт етиб ўтади. Бир қувонч ортидан қайғунинг неча минг хили пайт пойлаб туради; “ҳижрон тузоғига ип бўлган”, “найрангларга зеб берган” дунё қаршисида

“мен” лол; шу пайтга қадар дунёнинг қақраган лабларга томчи сув тутмаганлигини, ошиқларнинг шўрлик манглайини силамаганлигини кўриб ҳайрон. “Олис манзиллардан келаётган” дунёнинг дил манзилини бирор марта бўлсин обод айлаганига, “Ишқсиз, ишқ дунёси унутган” дунёнинг ишқни ишқ-ла ёд этганига ҳеч ким дуч келмаган. Лирик “мен”нинг бу каби ҳодисалардан ўкинчи зиёдалашади, қалби титроққа тушади, кўнгли музлайди. Достондан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: борган сари дунё ҳам, ундаги одамлар кўнгли ҳам рангсиз, нурсиз бўлиб бормоқда; иймон, эътиқод тушунчаларига путур етмоқда. Қачонки, инсон ўзини, ўзлигини англаса, кўнгил манзилларини ҳар бир бурчигача забт этса, юрак уришида ишқ оҳанги янграсагина тағаззул биносининг меъморларига айланади. Меъморлик даражаси эса босқичма-босқич амалга оширилиб, аввало, уни кўнгилни тозартиришдан, ниятни поклашдан, иймон-эътиқоднинг бутунлигига эришишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

II.2 -фасл. “Сопол синиқлари” достонининг ғоявий-бадий хусусиятлари.

Сўнгги йилларда тарихга, кўхна меросга, қадимий қадриятларга қизиқиш кучайди. Миллат ўз-ўзини англаётган, ўз мустақил давлатчилиқ асосларини мустаҳкамлаётган бир даврда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу умумҳаракат адабиётшуносликни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Шоир Икром Отамуроднинг “Сопол синиқлари” достонида яқин ўтмиш воқеалари ва унинг лирик қаҳрамон қалбида уйғотган кечинмалари тасвирга олинади. Шоирнинг ўз миллати тақдирига бефарқ қарамаганлиги достоннинг умумий пафосидан сезилиб туради. ҲОЛАТ ва РАНГлар орқали ифодаланган туйғулар тафаккур қатламларидан нур сингари таралади ва бу нур бевосита руҳият манзилларига етаклайди. Достон шундай айтим билан бошланади:

... Етдим деганингда қуриган дарё – дард.

Топдим деганингда тугаган манзил – дард.

Тутдим деганингда йиқилган бардош – дард.

Мисралар охири **дард** сўзига бориб туташади. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки туйғу қалбдан чиқади. Унинг сохтаси, ясамаси бўлмайди. Биламизки, шоирнинг ҳам дарди бўлмаса, ижод қилолмайди, асар яратолмайди. “Дилда дардинг бўлмаса, дил дафтаримни қовлама”, ¹-деб шоирнинг ўзи айтган эди бир суҳбатида.

Шу сингари шоир дostonда дард билан дардни тараннум этади ва буни ҲОЛАТга кўчиради. Сермулоҳаза, дунё кўрган лирик қаҳрамон дунёни англашга, ...сўнг англатишга уринади.

Кўчиш...

Макондан=маконга кўчиш...

ондан=онга кўчиш...

¹//ЎзАС. – 2009й. – 20 ноябрь. – №47.

Рухдан-руҳга кўчиш...

...ва ...

...яна кўчиш ...

Биргина кўчиш сўзида жамланган маъно ҳадсиз. Таг маъно эътибори билан ёндашадиган бўлсак, бу сўз оддий, жўн тушунча эмас. Кўчиш – руҳ ҳаракати орқали амалга ошади. Маълумки, руҳ ўта мурракаб тушунча. Уни сезги органларининг бирортаси билан ҳис қилиш мумкин эмас. Рухиятга дахлдор нарсаларни кўнгил туйиши мумкин, холос. Демак, руҳ одамнинг кўнглига тегишли нарса экан. Инсон ақли руҳни тўла тушунишга ожизлик қилади. Қуръони Каримда ҳам руҳнинг изоҳини одам тушунолмаслиги таъкидланган. Лекин ҳар бир одам ўзида ақлдан ташқари яна қандайдир бир қудрат ҳам борлигини билади. Шунинг учун баъзан одам ақлига маъқул келмаса-да, кўнглига ўтиришган ишни қилгиси келади. Рух маскан тутган кангул ҳамиша янгича бир ўзгаришни, “покиза насим эпкинларини ихтиёр этиб яшайди...” Кўнгил шундайки, у ҳурликни севади, эркни истайди, сиқикликни қувади, қандайдир янгиланишларни кутади, бир хилликдан қочади, бир хил ҳаёт тарзидан зерикади... Зерикиш... Бу бошқача тарзнинг истаги. Одамзотнинг руҳиятида содир бўлган бу ҳодиса нотаниш манзилларни соғиниб яшайди... Инсонда қандай ўзгариш содир

бўлмасин, аввало, руҳиятда кечади. Бу кечмиш ҳолат уни ўзга манзилларга бошлайди... Шунинг учун адабиётда инсон ўз-ўзини англашни руҳиятни тозартиришдан бошлаши керак, деган тенденция устиворлик қилади.

Лирик қаҳрамон тафаккуридаги ёлқинлар ҲОЛАТдан РАНГ томон кўзғалади. Воқеликни ранглар воситасида, табиат бўёқлари орқали кўриш, бадий англаш ва ифода қилиш деярли барча сўз санъаткорлари учун хос хусусият. Инсон руҳияти, феъл-фаолиятини жамият психологияси билан боғлиқ акс эттиришда табиат ходисалари-ю хоссалари, ранглари-ю бўёқлари ҳамиша санъаткорларнинг ғоявий-бадий ниятига камарбаста бўлиб келган.

Шоир хотиралари кўз олдида кино тасмаси сингари бир-бир жонланади:

Заранг замин. Кўҳна Ерқўрғон.
живир-живир ёғмир сепалар.
Ўмганини туфроққа берғон –
чўкка тушган тепалар.

Шоир ёмғир сўзини метатеза ходисасига учратиб, ёғмир тарзида кўллайди. Бу ходиса китобхон ҳаёлларини бир ерга жамлашга хизмат қилади. Ўхшатиш санъати орқали тепаларни чўкка тушиб, ўмганини тупроққа берган кимсага қиёслайди. Тепалар – оддий тепалар эмас, балки улар Ватаннинг, она тупроқнинг азобли ўтмишидан, ўзбек элининг дардли кечирмаларидан дарак беради. Шоир ота юрти Қашқадарё бошига тушган ғанимнинг қиличидан ҳозиргача унинг тўлғонишларини ҳис қилиб туради, унга қўшилиб ўзи ҳам азобланади. Тепалар қаърида минг йиллик излар бор. Бу ўтмиш воқеликлар изи, аجدодлар изи – хотира бўлаклари. Шоир бу ўринда ўз изтиробларини ўхшатиш санъатидан фойдаланган ҳолда ифодалайди. “Лойга қотиб синиққан” камонни “юрт ори деб

тўкилган” дардга, “Қўлда лочин тутган паҳлавон”ни “қадрин қучиб
йиқилган мард”га қиёслаб, чиройли топилмалар яратади.

Кўмилган имондир,
кўмилган тилдир –
тепалар...

Кўмилган Ватандир,
кўмилган элдир –
тепалар...

Шоирнинг ўзи туғилган юртга, хусусан, бепоён дашт ва унинг
феъли кенг, мард одамларига дахлдорлик туйғуси устун туради. Бу
дахлдорлик, яқинлик шоирни мавзу жиҳатдан чегараламайди,
аксинча, оламини бир бутун идрок этиш воситасига айланади. Юрт
дардини ҳис қилиш буюк бахт. Тепалар рамз-образи воситасида шоир
Ватаннинг оғриқли нуқталарини кўрсатишга эришади, ҳис
қилдиради. Тепаларни улкан қабрларга қиёслайди, улар шунчаки
қабрлар эмас, ғамларни, азобларни, эзгинликларни, талофотларни
кўрган қабрлар, кўмган қабрлар...Улар тобора мункайиб, қариган
тупроққа ботиб боради, яъни йиллар ўтиши билан дард қамрови
оғирлик қилиб тепалар чўка боради...

Юқоридаги мисраларда қўлланган сифатлаш шундай тасвир
воситасики, шоир асарда қаламга олган нарсанинг ўзинигина
бермасдан, у ҳақда тўлароқ, равшанроқ таассурот қолдириш учун
ўша нарса билан бирга унинг олдидан белги билдирувчи сўзни бирга
келтиради. Агар шоир тупроқ сўзини ишлатганда, бу сўз тупроқ
ҳақида умумий маълумот берарди, холос. Сўз олдидан “қариган”
бирикмасини берса, тасаввур янада реаллашади ва асарнинг
бадийлик қиймати ошади. Сўзнинг ҳаёти ҳам, тақдири ва хизмати
ҳам, аввало, туйғуга боғлиқ. Туйғу уйғонмаса, сўз уйғонмайди.
Уйғоқ сўз билан ёзилмаган асарнинг эса умри қисқа бўлади.

Умид+ёлғизлик=хотира.

Хотира+умид=ёлғизлик.

Ёлғизлик+хотира=умид.

Бу мисралардаги математик тенглик орқали лирик қаҳрамон яна ҲОЛАТга қайтади. Соф инсоний туйғуларга йўғрилган қалб хотиралар билан ёлғиз қолади. Хотиралар қийнайди, ёлғизлик азоблайди: умид бор, аммо ўксик... Лирк қаҳрамон ўз ҳолатини, дунёни РАНГларда кўра бошлайди:

Биз – олмош.

Кўплик.

Она тили дарслиги бўйича.

Биз – умум.

Тўплик.

Юқоридан қуйига.

Бир ўқишдаёқ англаб бўлмасга ўхшайди гўё. Аммо такрор-такрор ўқилганда, ич қатламлари ўқилганди муааммо йўқолади. Биз – оломон – лоқайд, мақсадсиз; Биз – тўда – на макони аниқ, на борар манзили; Биз – йўл – чарчаган, пойи ҳам, поёни ҳам англамсиз, қувватсиз, қурбатсиз... Биз – ҳеч ким...

Англаймизки, “биз”, қачонки, “мен”га айланса, оломон – халққа айланади; ўз йўли, мақсадига эга бўлади; халқ миллат даражасида шаклланади. Йўқса, биз – оломон, охир-оқибатда, таназзулга юз тутаяди.

Дарахтнинг томирига қурт дориди,

ўзидан пайдо бўлган қурт... зирқироқ.

Занам танаси... шохалари ҳориди...

барглари қуроқ...

Дарахт – эл, миллат тимсолида гавдаланади. Унинг қадимий тарихий илдизларига тушган қурт ўзидан пайдо бўлган... Қанчадан-қанча ташқи бўҳронларга чидаган азамат дарахт ўзидан чиққанига бардош беролмади. Чунки ўзиники биларди қаерига зарба беришни,

кучсиз ерини. Достонда шоир миллат тақдири хусусида қайғуриб, бу ҳикматни мисралар қатига яшириб тасвирлайди.

Бизнингча, яна бир ҳикматнамо фикр китобхонга таъсир этмасдан қолмайди. Бу – умрнинг ўткинчилиги, мисоли оқар дарёлиги; вақтнинг кутиб турмаслиги, фурсатнинг тигизлиги. Шоир сифатлаш санъатини қўллаб дидактик тасвир чизади. Фурсат, вақт, умр – гўё машина. У бепарво ғизиллаб кетаверади. “Олдин чиққанлар” “кейин чиққанлар” га жой бермайди, чунки “ўрнашиб олган ўрни мулойим”. Кейин чиққанлар тор ўтарларда сиқилиб, ўрин талашади. Олдин чиққанларга жой бериш ўрнига пишанг беради, уларни бир-бирига қайрайди. Дидактик тасвирнинг хусусияти шундан иборатки, бунда шоир табиат ва ҳаётдаги оддий ҳақиқатларни идеаллаштириб, ўқувчини ўрнатқилишга ҳаракат қилади. Шоир бунда кишиларнинг бир-бирига меҳрибон бўлиши, манфаат етказиши, ёмонликни соғинмаслиги ҳақида ёзади.

Шоирнинг фикрича, бировга яхшилик қилиш, наф етказиш, биринчи навбатда, ўша наф етказмоқчи бўлган кишининг ўзига яхшилик қилиши демакдир ва ундан бошқалардан кўра ўзига наф кўпроқдир.

Достоннинг характерли томони шундаки, асарнинг марказида мутафаккир шоирнинг ўз образи туради. Бундаги ҳамма фикр-мулоҳазалар шу инсоннинг юксак орзу-интилишлари билан боғланган бўлиб, шоир кўз ўнгимизда ўзининг бутун буюклиги, романтик юксаклиги билан намоён бўлади. У ўзининг башариятга бўлган муҳаббати, алоҳида инсонга бўлган хайрихоҳлиги, пок нияти, самимияти, яхшиликка садоқати билан йиллар давомида қалбларни иситиб, ўзига тортиб келмоқда.

Абрлар тўқайида юлдуз сингари

О=осмон тандир қуяди ҳовур –

кимсасиз уйларнинг тешик тоmidан.

Анъанавий ва замонавий шеърятда истиораларнинг ўрни катта. “Абрлар тўқайи”, “осмон тандир” каби жуда кўп шаклларда очик истиорани кузатишимиз мумкин. Бу ҳам дoston ғояси учун ўзига хос маъно касб этади.

“Сен ва Мен” – бу икки муайян шакл оралиғида умр фалсафаси мужассам. Сен ва Меннинг кимлиги муҳиммас, балки унинг моҳияти, муҳим, ичи муҳим, кўнгли муҳим... “Сен ва мен – кутув ҳамда кузатув майдони”. Шоир кўнгилга қуйидаги таърифларни лойик топади: “Еру кўкдек улкан масофа”, “Игна кўзи каби қисқа масофа”, “Қош ила қабoқ орасидек энсиз масофа ”. Энг муҳими, мана шу масофа пок бўлсин, қолгани – шунчаки ўткинчи ҳодисалар...

Шоир шу ўринда такрор санъатидан фойдаланиб, оҳангдошлик ҳосил қилган. Ўътибор бериб қарасак, мисралар зинапоя шаклида пастга томон кичрая бораётганини кузатамиз. Изтироб кучайган сари сўзлар сийраклаша боради:

Шунчаки алдаш,
Шунчаки хиёнат,
Шунчаки хусумат,
Шунчаки лоқайдлик,
Шунчаки беписандлик,
Шунчаки бефарқлик.
Шунчаки қўл силташ ҳаммасига...
Шунчаки кун чиқиш,
Шунчаки кун ботиш...
Шунчаки...

Кейинги ҲОЛАТга дуч келамиз. Унда қадимий ҳикоят келтирилади. Бир ўткинчи Касбининг туфроғидан ясалган кўза сотиб олади: Лаби учган, дастаси синган. Кулол ҳайрон бўлади. Нега бутунлари турганда синиқ кўзани танлади, ахир?! Кулол кўзи билан кузатамиз ўткинчини. У хомуш, паришон, ранги рўйи бир ҳол; кўзи тўла бўз,

чехрасида қайғу, кўнгли тўла йиғи – ниманидир йўқотган гўё. Гўё ёруғ оламда уни қайта топиб бўлмайдигандек. Ниманидир излайди... Сеник кўзани авайлаб бағрига босади – кўнгли тинчигандай бўлади:

Сеник кўза...

Сеник кангул...

Дўппайган қабр...

Нимжон ниҳол...

Ўткинчи армонлари, кўз ёшлари, қайғулари билан кўзани тўлдириб, “... туфроғини туфроғига қўшиб...”, юрак-бағри ўртаниб кўмади.

Ҳикоят замирида ётган ҳаётий-фалсафий ҳақиқатни англаш душвор эмас. Кўза – Она-Ватан, туғилиб ўсган тупроқ, унинг бир зарраси тимсоли. Қачонлардир кимлардир томонидан бу дурдонага озор етказилган. Ўткинчини азоблаган ҳодиса юртга кишан солингани, ҳурлик ва ҳақиқатнинг топталгани, хиёнатнинг ғалабаси. Аммо ҳар бир ўткинчи ҳолат ўрнида вақт ўтиши билан ҳақиқий, барҳаёт миллий анъаналар илдиз отади, мангуга дахлдорликни даъво қилади. Шоир кўнглидаги шу сингари изтиробларини китобхонга юктира олади. Ўйлаймизки, бу борада унинг ҳаёт тажрибалари, чуқур фалсафий мушоҳадалари ёрдамга келади.

Сукунат ...

қақшайди.

Занглайди ...

Сукунат .

Бу ўринда мисраларнинг бир сўздангина иборат бўлиши, кўп нуқталарнинг қўлланиши лирик қаҳрамон изтиробларининг янада жунбушга келаётганини кўрсатса, жонлантириш санъатининг қўлланиши сукунатнинг ҳаёт чигалликларидан, ғамларидан танг қолаётганини ифодалайди.

Ҳақ хусусида сўзланган ўринда шоир ёзади: “ўзингни англаш, ўзингни сезиш, Қачондир канглунгга қайрилиш, қачондир қайтиш

ёлғизлик сари”. Демак, Ҳақ – ўзимиз. Инсон ёлғиз дамларида ўзини тафтиш қилиши, сўроққа тутиши мумкин, ўзини англаши, ўзини сезиш сари юзланиши мумкин. Ўзлигини англаганлар юрт тақдирига ҳам бефарқ қаролмайди, кўнглига қарши боролмайди:

Сезмоқ – қувват,
англамоқ – поклик,
беҳабар қолмоқ – жабр.
Руҳинг туфроғида уйғонсин оқлик –
Ҳақнинг нуридан гуллаган таъбир.
Сен унга интил, йўлида илҳақ,
у – фурсат,
у – лаҳза,
у – бир он,
Шунда пўккалигин сезасан ёлғоннинг,
англайсан давроннинг мўртлигин, шунда.
Ўзинг билан ўзинг дучлашган онинг,
Ҳақ ила бақамти келганинг кунда...

Ҳаётнинг катта қозонида қайнаётган кимса борки, қийинчилик, азоб, ғам чекмай туриб, ўзлигини англолмайди. Достоннинг лирик қаҳрамони ҳам руҳи азобга дўнган кимсаларга дахлдор ва шу билан бирга уларга чин қайғудош. Унинг қалби имконсизга имкон бўлолмаётганидан озурда. “Юрагида қабрлар кўп гуллардан кўра, қувончлардан кўра, армонлар бисёр”. Кўкка муножотини тинглайлик:

Кел,
ўзинг қадрдон,
қўлим тутаман.
Меҳрибоним ўзинг,
Меҳрибон азоб!

Нега азобни ўзига тилаётгани кишини ҳайратга солади, аввало. Лекин ўйлаб кўрилса, азобсиз киши юксаладими, ахир?! Комиллик

сари боришнинг аввали ғам-ку, азоб-ку! Зеро, инсон ўзини англаши учун рухий қийноқларни тотиб кўрмоғи лозимдир.

Достоннинг сўнгги мисраларида унинг нега айнан шундай номлангани ва сопол синиқлари ниманинг рамзи сифатида хизмат қилганлиги равшанлаша боради. Сопол синиқлари – рухнинг илдиши. Рух эса Ватанга, элга, миллатга дахлдор. Шоир ойнинг гуллоласида, кўзигул қадоғида, тўр бойлаган кадрда, тўрғайлар кўзидаги жолада, қиличлар дамидан тўкилган нолада, шамоллар қуритган орзуда, увада тасбеҳда она-Ватани – Касби тимсолини, унинг аянчли ўтмишини кўради. Мингйилликлар қаъридан ҳамон садо бераётган бу шаҳар ва унинг халқи хаёли шоир ўйларида ҳамиша кезинади, уни қайғуга, изтиробга елкадош қилади.

Йўл – рамз-образи орқали умрга, ҳаётга ишора қилинади. Одамзот дунёга келар экан, шу манзилни босиб ўтади. Бу манзил азоблари кишини юксалтиради, тасаввурлари, кузатувларини кенгайтиради. Қидира-қидира топиладиган азиз нарса бу – ҲАҚИҚАТ, ЎЗлигини англаш ҳақиқати. Моҳият эътибори билан қаралса, ҳамма инсон ҳам ўз ҳақиқатини топа олармикан, ҲАҚқа юзлашармикан? Муаммо мана шунда. Шоирни ҳам шу ўйлов қийнайди, ширин туйғуларини тўзғитади. Ўйлаймизки, достоннинг бадиияти ва мазмун-моҳияти асл ҲАҚИҚАТ манзиллари сари йўл бошлайди.

II.3-фасл. “Ёбондаги ёлғиз дарахт” достонида рамзий-бадий талқин.

Адабий жараёни мунтазам кузатишдан хулоса шуки, сўнги йиллар дostonчилиги умуминсоний ғоялар, умуминсоний дардларга таянадиган бўлди. Айниқса, лирик дostonлар ўзини-ўзи англаш туйғусини шакллантиришга эътибор қаратди. Улар макон ва замон қаричида чегараланмайди. Муаллиф ҳаёлат эрки билан ўтмишдан бугунга, бугундан келажакка зўриқишсиз ўтиб туради. Лирик қаҳрамон турли замонларнинг ҳодисаларига ўзи ҳам иштирок этаётгандек бўлади. Инсоният тарихи гўёки лирик қаҳрамон қалбида рўй бераётгандек таассурот қолдиради. Бугунги дostonларда бир воқеа ё ҳодиса изчил баён этилмайди, балки ўша воқеа-ҳодисага ишора қилинади.

Шоир Икром Отамуроднинг “Ёбондаги ёлғиз дарахт” достони ҳам бошқа лирик дostonлари сингари ўзига хос залворга эга фалсафий фикрлар қатидаги изтироблар, тўлғонишлар асосига қурилган. Асарга сингдирилган бадий-фалсафий ғоя умуминсонийлиги билан ғоят аҳамиятлидир.

Ёбон – умр, ҳаёт, у чексиз... Масофа – умр йўллари. Унда инсоннинг УМИД ва ХОТИРАлари ястанган. УМИД чарчаган жойда ХОТИРА кўкаради... Шоир ана шу ҳаётий-фалсафий фикрлар асосида китобхонни турфа воқеликлар сари етаклайди, кўз олдида турли

кечинмалар, туйғулар манзарасини чизади. Тазод ва анафора санъатидан моҳирона фойдаланиб, ҳаётдаги қарама-қаршиликларни тасвирлайди:

Қаердадир осмон пастлашиб,
қаердадир юксалар замин.
Қаердадир дўстлар қастлашиб,
қаердадир сирлашар ғаним.

Мана шу бир-бирига зид жиҳатлар лирик қаҳрамоннинг кўнгил тубидаги рангин туйғуларни жунбушга солади, туйғулар манзарасида тириклик – борлиқ ўз мазмуни билан жилоланади. Достонда келтирилган афсона эса лирик қаҳрамон ўйларини англашга йўналтирилган.

Айтишларича, бир савобгар, ўтгувчи киши чексиз ёбонга дарахт кўчати экадики, ўтган-қайтган салқинлаб-соялар деб. Дарахтнинг яшаш учун курашида бир неча фасллар алмашинади. Мазкур фасллар тасвиридаги бадиий топилмалар чуқур фалсафий мазмундорлиги билан ноёбдир. Ёбондаги ёлғиз дарахт табиат фаслларининг инжиқликларига қарамай, фақат яшариш ва юксалиш сари юз тутган.

... Тоқат танига пайвас,
вужудин силар сабр.
Бардошдан сириққан сас,
Қаноат тиккан қадр.

Демак, сабр-бардош, қаноат сингари инсоний сифатлар дарахтда мужассам. Аслида, ёбондаги ёлғиз дарахт шуларсиз кўкка бўй чўзиши мумкин эмасди. Бу чексиз ҳаётга одамлар келиб-кетади, бош кўтарган майсалар сўлади, қушлар ҳам дарахт шохларини мангу макон тутмайди.

Достонда ўрни билан лирик қаҳрамон кечинмалари лирик чекинишларда ўз ифодасини топган:

Тўкилсанг, ўзинг ўзингга тўкил,

Ўзинг тўкилган қайғунгга жома...

Сўкилсанг, ўзинг ўзингга сўкил,

Ўзинг сўкилган дилингни яма...

Суянсанг, суянгин ўзингга ўзинг,

Ўзинг оғирингга елка тут...

Мазкур мисралар шоирнинг ўзи жуда кўп такрорлайдиган ҳазрат А.Навоийнинг “Ўз вужудингга тафаккур айлағил, Ҳар на истарсан ўзингдан истағил” мисраларини ёдга солади.

Ёбондаги ёлғиз дарахт – барча юксак фазилатларга эга инсонларнинг умумлашма образи. Унинг бағри меҳрга, мурувватга тўла. Ва шунинг билан бирга унинг ўзи меҳрга зор. Ёбондан ўтгувчи ва қайтгувчиларга меҳр кўргизгиси келади. Йўловчилар жазирамада ҳам, қишда ҳам унинг панасида жон сақлаб, меҳрини ичиб, Яна йўлида давом этади.

... Туфроғи меҳрдан яралганди унинг,

меҳрдан яралганди борлиғи.

Комиллик фалсафаси бугунги дostonда лирик қурилиш устиворлигини таъминлаётган хислатлардандирки, бунга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Лирик dostonларда бугун комиллик хислати шоир шахсиятида намоён бўляпти. Лирик dostonларда субъективизм орқали эпик олам манзараларини чизишга интилиш шоир шахсиятини сюжет марказига олиб чиқди. Бугунги лирик dostonни шоирнинг бир зарб билан айтилаётган монологи сифатида қабул қилиш мумкин. Шоирнинг безовта ўйлари, фикр тўлғoқлари, оташин эҳтирослари, комиллик олами сари йўл олган шахснинг қиёфасини кўз ўнгимизда жонлантиради. Бадий сўз санъатида комил инсон масаласи таянч нуқталардан бири ҳисобланади.

Инсон ўзида Раббоний ва нафсоний хусусиятларни бирлаштирган борлиқ. Нафс унсурларидан қутула бориш жараёнида комиллик сари

йўл очилади. Мумтоз адабиётда бу йўл инсонни руҳий, маънавий камолотга етакловчи йўл ҳисобланган.

Албатта, тасаввуфда комил инсон илоҳийлаштирилган – унинг мезонлари юксак. Комил инсоннинг заминдаги тимсоли сифатида сўнгги пайғамбар – Муҳаммад алайҳиссалом эътироф этилган. Қолган анбиёю авлиёнинг камолоти эса ул зотга нисбатан олинган. Демак, биз ҳам шу илму маърифати юксак, хулқу одоби гўзал, сўзи ва иши кўпчиликка ибрат бўладиган шахсларни, образларни баркамол инсонлар дейишга ҳақлимиз.

Руҳий покланиш, тозариш жараёни замонавий дostonчиликда ўзгачарoқ тарзда амалга oшмоқда. Тасаввуф адабиётида инсон ўз нафсига қарши курашган бўлса, XX аср адабиётида инсон ўз нафсига қаршимас, ўзгаларга қарши курашди. XX аср адабиётида инсонга муносабат, ҳаётга муносабат давр мафкураси билан боғлиқ ҳолда кескин ўзгарди. Ғоялар инсонларнинг эмас, инсон ғояларнинг хизматкорига айланди. Шу сабаб асрлар давомида Шарқ адабиётида етакчи мавзу саналган комил инсон масаласига эътибор сусайди. Истиқлол адабиётида тасаввуф анъаналарининг уйғониши комил инсон тушунчасини яна кун тартибининг биринчи масаласига айлантирди.

“Ёбондаги ёлғиз дарахт” достони ҳам комиллик фалсафасидан сабоқ беради. Бу сабоқ юқорида таъкидланганидек, шоир ўйлари орқали англашилади.

Бугунги дoston марказига қўйилаётган зиддиятлар оқ билан қоранинг, яхши билан ёмоннинг, ижобий билан салбийнинг анъанавий бўлиб қолган қарама-қаршилиги сифатида эмас, инсон ва инсоният табиатидаги, ҳақ ва ҳақиқат замиридаги тарих ва давр қатидаги қарама-қаршилик ифодаси ўларoқ юзага чиқаяпти. Ибтидодан тортиб мангуликка қадар муҳим бўлиб қоладиган

умуминсоний ғоялар, қалб ва имон бутунлигини белгиловчи омиллар бугунги дoston сюжети учу насос вазифасини ўтаяпти.

Бундай олиб қараганда, замонавий дostonларда қарама-қарши томонлар: жангчилар ё ғоялар кураши кўринмаётгандек. Гўё бугунги дoston сокин оқаетган осуда дарении эслатади. Бироқ бу сокинлик остида шиддаткор тўлқинлар, аёвсиз гирдоблар яширинки, биз буни шоир тафаккуридаги ўзгаришлар силсиласида кўрамиз.

Чексиз ёбонга очкўзлик оралайди... Нафси ҳақкалак отиб ўлжа кидиради. Оғзини қападек очиб, эринмай, шошилмай, қоникмай танлайди, танлайди узоқ беписандлик билан. Оз бўлса, канадек ёпишиб олади дуч келган нарсага. Ёбон чексизлиги учун ҳам у ўз билганидан қолмайди.

Ёбонга кўз тикиб, эгалик қилмоқчи бўлганлар кўп бўлди. Аммо бундай олғир, маккор, хийлагар, чечан кимсалар шамолдай ўтдикетди. Бирортаси ёбонни орқалаб кетгани йўқ. Ёбоннингсиғиниб эътиқод қўйгани ҳам, биродар каби экивор келтиргани ҳам оқибатда ё муттаҳам, ё иғвогар, ё лўттивоз, ё телба, ё қотил бўлиб чиқди. Яқинроқ бориб дил бергани, яғир елкасини тутгани ижирганиб тепди, силтади, чунки у кибор, шуҳрат эгасига дуч келганди.

Неча бор алданиб,

Неча бор куйган

Ёбон пешонасин очилмас тарки

Оёқ ости қилган ким?

Ким меҳр қўйган?

Содда ёбон англамас фарқин...

Ёбон – майдон.

Муроди – тўрроққа ўтиб

Олгувчи чопқирлар от солар сарахт.

Ёбон қадрин кўтарар жонида тутиб,

аслида, фақат ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ ...

Ёбон – чексиз умр майдони. Бу майдонга кимлар келиб кетмайди, кимлар от сурмайди. Имони бутлардан кўра кўпроқ олғирлар даврини суради. Ёбонни алдайди ўзича (аслида, ўз-ўзини алдаётганини қаердан ҳам билсин нодонлар!?), эга чиқмоқчи бўлади абадий. Аммо ЎЗИгагина хос. Ёлғиз дарахтгина ҳеч нарсадан тамагир эмас. У меҳрга зор ва ўзидаги меҳрни ҳам улашишни истайди. Дилидаги мана шу истак ёбонни сақлаб турибди. Шоир ҳар мисрасига илоҳий маъно юклаб, ўқувчини олис-олис ўйларга етаклайди. Поэтик тафаккур тарзининг юксаклиги кўнгил оламига ҳам назар даркорлигини уқтиради. Бу оламда ҳам ёмонлар, фирибгарлар кўп, аммо бита олижаноб кимса қолгунча дунё дунёлигича туради, қиёмат юз бермайди, дейишади. Дарҳақиқат, ёбонни ёлғиз дарахт сақлаб турган бўлса, Бу очунни ҳам хушхулқлар асраб турибди. И.Отамуроднинг дostonдаги ҳар бир мисрага мана шу фалсафани сингдирганини англаш ғоят жоиздир.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино шундай дейди: “ Бўйликни топишибдию ақл-идрокни йўқотишибди. Ажабо, топган нарсалари билан йўқотган нарсаларининг баҳоси бир хилмиди? ” ¹

Дарҳақиқат, ҳаётда бировларнинг ҳақидан ўғирлаб бойлик орттирадиганлар жуда кўп. Улар ўша бойликни топиш жараёнида ўз ақл-идрокларини йўқотадилар. Дostonда бу ҳолатга ҳам фикр қаратилган:

Қайрилган буттага тирноғин санчиб,
ғижимлаб қайрилган буттани,

¹ Шарқ донишмандлари ҳикматлари. “Шарқ” нашр. – Т., 2006. 77-бет.

ёлғиз дарахтга термулар калхат,
кўз узмай термулар ёлғиз дарахтга.
... имкон пойлаб термулар калхат,
фурсат пойлаб термулар калхат,

илож пойлаб термулар калхат...

... Ёбон чексиз...

Достонда ёлғиз дарахтга нисбатан қўлланган метафора, ташбеҳлар поэтик-фалсафий мазмунни кучайтиришга хизмат қилади. Бинобарин, дарахт уммондаги кемага, саховатнинг адл қоясига, мурувватга киёсланади. У хусумат, ғийбатга дил очмади, тамага учмади. Мехригиё сингари узоқ-узоқлардан ҳам нигоҳни тортиб турди. Қушлар ҳам ёлғиз дарахт бошида чарх уриб, ғужғон ўйнайди. Шу ўринда шоир яна лирик чекиниш қилади:

Ёлғиз дарахт,
мен соғиниб келаман қошингга,
узоқ қолиб кетаман ҳар гал.

Лирик қаҳрамон ҳам чин инсоний фазилатларга эга қалбни истайди. Ёнига ҳар гал соғиниб келади ва узоқ қолиб кетади. Бу мисраларда ҳам ҳаётий асосга эга фалсафий моҳият ётади.

Кейинги давр адабиётида воқеа-ҳодисалар, ижтимоий муаммолар тасвиридан кўра, инсоннинг руҳий олами, руҳий кечинмалари, дард ва изтиробларини тасвирлаш етакчилик қиляпти. Чунки барча ҳаётий масалалар, муаммолар инсон хатти-ҳаракатига бориб тақалади. Бу борада, айниқса, инсоннинг инсонийлигини белгилайдиган эътиқод, ҳалоллик, поклик, ахлоқий масалалар муҳимдир.

Шарқ алломаларининг фикрига кўра, инсон аъмоли билан гўзал. Яхши аъмолнинг натижаси эса эзгуликдир. Киши эзгулик туфайли бахт-саодатга эришади. Киши жисмонан камчиликдан эмас, ноинсоний хатти-ҳаракатидан хижолат тортмоғи керак.

“Инсоният олами ҳамиша икки нарсага – маданият ва маънавият мукамаллигига талпинади. Негаки, маданият фароғатли турмушни юзага келтирса, маънавият инсон комиллигини таъминлайди. Лекин бу нарса ўз-ўзидан юзага келмайди. У инсон фаолиятига боғлиқ.

Инсонни англаш ҳаётни англаш, унинг барча жабҳа ва пучмоқларининг қаърига кирмоқ демакдир. Негаки, инсоннинг аъмолисиз ҳаёт – жамиятда ҳеч нарса содир бўлмайди. ”¹

Инсоннинг инсонийлиги фақат у қилган яхши амаллардагина эмас, балки инсоний туйғулар билан ҳам белгиланади. Яъни, одамлар фожеасидан, бахтсизлигидан чиндан куйиниши, изтиробга тушиши кишининг эзгу қалблигидан нишонадир. Чунки ҳар ким ҳам бундай ҳолга тушмайди. Фақат шоирларгина қалбан эзилиши мумкин. Ва яна зукколикнинг белгиси билим билан, зехни ўткирлик билан белгиланмайди, балки фикр нури билан инсон тийнати орқали унинг ниятини уқиб олиш, юз бериши мумкин бўлган воқеани олдиндан англаб олиш ила намоён бўлади.

Ёбонга сел келди ногаҳон, лекин иродаси мустаҳкам дарахтни жойидан қўзғатолмади. Сўнгра тўзон алам билан увиллаб ёлғиз дарахт атрофида айланди. Дарахтни у ҳам ўрnidан қўзғатолмагач, янтоқлар ва қўзигулларни ёбон билан битта қилиб сочиб ташлади. Шоир бу ўринда ташхис санъатидан ҳам ўринли фойдалана олган. Ёлғиз дарахтни ўрnidан қўзғатишолмагани унинг иродаси кучли, эътиқодида собитлигидан далолат. Истиқлол даври адабиётининг

¹Каримов Ҳ. Истиқлол даври насри. “Зарқалам” нашр. – Т., 2007. 38-бет.

муҳим хусусиятларидан бири иймон ва эътиқодга, шунингдек, маънавиятга катта эътибор берилишидир. Бу давр адабиётининг қаҳрамонлари ўта маънавиятли ва мулоҳазакор шахслар Олам ва Одам ҳақида кенг мулоҳаза юритади, ҳаёт, жамият иллатларидан, яъни том маънодаги маърифатсизликдан, адолатсизликдан, ноҳақликдан, ёлғончиликдан, энг муҳими, иймонсизлик ва эътиқодсизликдан қайғуришади. Изтиробга тушишади. Яна шуниси муҳимки, улар бу иллатларни жамият, муҳитга боғлашмайди, бунга

шулар айбдор деб билишмайди, балки барчасига инсоннинг ўзи сабабчи деб қарашади, яъни иймон ва эътиқоднинг сусайишидан деб билишади.

Достонда бу дунёнинг ўткинчилиги, аммо шундай бўлса ҳам, МЕҲР, ҒУРУР, СУБУТ, ЯХШИЛИК, ҚАДР каби соф туйғуларнинг оёқ ости қилиниши тасвирланган мисралардилни ўртайди.

Дунё ўтар экан-а,
МЕҲР истар экан-а.
МЕҲРга бағир очган
Ситам ютар этар экан-а...

Бизнингча, туйғулар номининг бош ҳарфлар билан ёзилишига асосий сабаб, шоир уларни алоҳида таъкидлаб, маънони яна ҳам кучайтиришга эришган. Бу сўзларнинг залвори нақадар оғирлигини уқтирмоқчи бўлган.

Оғзаки нутқда тиниш белгиларига эҳтиёж сезмаймиз. Назаримизда, шоирларимиз оғзаки ва ёзма нутқ имкониятларини бирлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Келгусида ушбу йўналишдаги бадий асарлар, улар тадқиқига оид илмий асарларнинг юзага келиши шубҳасиз. Мазкур мулоҳазалар тиниш белгиларсиз ёзилаётган бугунги достонларга қайта назар солишга ундайди. Чиндан ҳам масаланинг бу жиҳатларига жиддийроқ эътибор қаратмоқ зарур. Шеъриятимизда тиниш белгиларсиз шеър ёзиш мумкинлигини Рауф Парфи бошлаб берди. Бу ҳодиса Асқар Маҳкамнинг айрим достонларида, Фахриёрнинг аксарият достонларида ҳам намоён бўлмоқда. Жаҳон адабиёти учун бу ҳодиса тажрибадан ўтган усул. Бизнингча, тиниш белгиларини қўлламаслик шеърият билан тасвирий санъатни уйғунлаштиришга интилишдан келиб чиқмоқда. Масалан, Фахриёрнинг “Аёлғу” достонида Аёл, Наҳанг, Ой, Сиртмоқ, Нун, Зуннун сўzlари мазкур тушунчаларни ифода этадиган шаклларда тасвирланади. А.Маҳкамнинг “Ишқ” достонида тиниш белгиларни

ишлатмаслиги мусикий оҳангдорликни кучайтиришга қаратилгандек. Шу боис бўлса керак, унда сўзлар, жумлалар, иборалар, мисралар такрори, анафора, эпифоралар тез-тез учраб туради.

Шоир Икром Отамурод ҳам сўз мақсади йўлида тиниш белгиларини фикр йўриғига сола олади. Бошқа дostonлари каби “Ёбондаги ёлғиз дарахт”да ҳам тиниш белгиларига маъно юклаганининг гувоҳи бўламиз.

Дунё
армонларни
ютгувчи
канор

Кўп нуқталар шоир ўйларининг мураккаблиги ва чексизлигини англатади. Ҳар бир китобхон ўз фалсафасига мувофиқ ана шу кўп нуқталар ўрнига ўз ҳиссиётини ўзи учун сувратлантиради. Шоир ўқувчини ҳам ўзига шерик бўлишга ундайди.

Ҳар қандай шеърнинг шакли билан кези келганда, товушлар такрори, оҳанг, ритм туйғу суратини олган сўзларнинг уйғунлиги, шеърини нутқ, шеърини санъатлар, мажозий белгиларга эътибор қаратилади. Шакл ва мазмун бир-биридан алоҳида тушунилмайди. Ҳар бир шаклнинг у эга бўлган мазмуни бор. Икром Отамурод ижодининг ўзига хос, индивидуал хусусияти мана шу жиҳатларда ёрқин намоён бўлади.

Бир кун бир ўткинчи ёбондаги ёлғиз дарахтни қора тортиб келади ва соясида дам олади.

... Ўзига бино қўйган бир ўтгувчи,
босар-тусарини билмаган бир ўтгувчи,
... қаердан келаётганини,
қаерга бораётганини
билмаган бир ўтгувчи,
ҳамма нарсани эрмакка йўйган бир ўтгувчи...

Бу ўринда шоирни ташвишга солаётган жиҳат ўтгувчилар (бу дунёга келиб-кетувчилар)нинг маънавий тубанлашиб бораётгани, ўзлигини унутаётгани, кўнгил оламини тарк этаётгани, ўзига ўзи бегоналашаётгани...

Нодон ўткинчи эрмак учун дарахтни ёқиб томоша қилади. Муроди ҳосил бўлгач, бутун дунёни лол қолдириб йўлида давом этади.

Ўтгувчи, қайтгувчиларни таниёлмай

турарди ғам ютиб дунё...

Дарҳақиқат, бундай кимсаларнинг қилмишидан ҳайрон қолиб, дунё ҳам ғамга ботади. Сел, тўзон ва яна бир қанча офатлардан омон қолган дарахт олов азобига дош беролмади. Бу жараён ифодаланган сатрларда шоир ташхис санъатидан фойдаланиб, мудҳиш ҳолатни кўз олдимизда чизади:

... Ёлғиз дарахт ичдан эзилди –

танига ўрмалади титроқ.

Ёлғиз дарахт пойига чўзилди

ингроқ...

Ёлғиз дарахт ўксинди,

вужуди титилди чок-чок...

Камидан сирқинди, йўқсинди

ингроқ...

... Ёмғирлар келди... Ёмғирлар келди... Кечикиб...

Бадий тасвир воситалари асар тилининг ширали, бўёқдор, ранг-баранг бўлишига ёрдам берувчи омиллардандир. Тасвир воситаларининг қуюқ қўлланиши мураккаб кечинмалар тасвирини чизишда, рангин руҳий ҳолатларни сиқик ва аниқ ифода этишда қўл келаяпти. Лирикага хос такрорлар, қайтариқлар, таъкидлар, интонациялар, риторик сўроқ ва мурожаатлар ҳам лирик “мен”нинг достоний қиёфасини яратишда муҳим рол ўйнамоқда.

Шу ўринда образ хусусида қисқача тўхталсак. Образ – санъат ва адабиётнинг ўзига хос бир категорияси. Ижодкор бирор воқелик ёки нарсани ва ҳодисани мушоҳада этиб, уларни ҳиссий-эмоционал тарзда ифодалайди. Образ ва образлилик ҳар бир бадиий асарнинг қони, энг муҳим хусусияти ҳисобланади. Адабиётшуносликка оид илмий ишларда образли нутқ, образли ифода, образлилик, образли тасвир каби масалаларнинг қиммати алоҳида таъкидланади. Кузатганимиз Икром Отамурод дostonларида рамзий образлар алоҳида мавқега эга. “Ёбондаги ёлғиз дарахт” дostonида ёбон, дарахт, қўзигул, калхат, тўзон, олов каби рамзий образлар “мен” изтиробларини очишда кўмак берган.

Бугунги дostonларда лирика қурилишининг етакчи мавқега кўтарилганлиги характерлар таркибида, тузилишида ўзгаришларни олиб келмоқда. Лирик асарларда бўлгани сингари бугунги дostonларда ҳам асар табиатини лирик характер белгиламоқда. Бугунги дoston лирик характернинг маълум бир мавзу, муайян масала доирасидаги қарашлари асосига тикланмоқда. И.Отамуроднинг “Сен”, “Истарим” дostonларидаги каби “Ёбондаги ёлғиз дарахт” дostonида ҳам лирик қаҳрамон асарнинг бутун мазмун-мундарижасини ифодалаётган ягона характердир.

Дoston давомида лирик қаҳрамон ёбонга қўшилиб бўзлайди, бир уюм кулга айланган дарахтга ачинади, гўёки юраги тўкилгандай. Ёбондаги ёлғиз шўрликкинасининг барқ уриб яшаган даврларини кўмсайди, соғинади. Унинг биргина “... Ҳайҳот!..” сўзида қанчадан-қанча изтироб, дard яширин.

“Ёбондаги ёлғиз дарахт” дostonи мисолида биз атроф-муҳитга, тарихга, дунёга теран нигоҳ билан қараётган лирик қаҳрамонни кўрамыз.

... Ҳайҳот!.....

ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ оташда ёнган.....

... Ҳайхот!.....

ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ – қатқалоқ, қирмоч...

...ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ

сенингмас,

менинг дилим қовурмоч,

ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ

сенингмас,

менинг дилим ёнгандир лов-лов.

... Ёбон чексиз...

.....
.....
.....
.....
.....

... Ёбон чексиз...

Ушбу кўп нуқталар қатори инсоният қисматини поэтик идрок этишга йўл очади. Ҳар бир нуқта гўё ҳаётнинг турфа бир қиррасини, оғриқли бир масаласини тафтиш қилиб, баҳо бераётгандек, хулоса ясаётгандек таассурот қолдиради.

Ёбон ўз дарахтидан айрилгач, у ерни юмронқозиклар макон тутади. Улар уясидан чиқиб қарайди: ҳамма ёқ жимжит, ҳеч қандай хавф йўқ (“Жимлик ёстиғига ёнбошлар ёбон”). Улар ўзларини эркин қўйиб бир-рр геришишди. Чексиз ёбон уларни ҳам қабул қилди қонуниятга бўйсуниб... Бу ўринда шоир ташбеҳ, ташхис санъатларидан бадийлик сари йўл очган. Юмронқозик – рамзий образ сифатида гавдаланади. У кемирувчи жонивор ҳисобланиб, одатда, фирибгар, ғийбатчи кимсаларга қиёсланади. Дарахт қулади, бу дегани, яна бир яхшиликнинг илдизига болта урилди. Бу дунёни яхшилар тутиб туради кафтида. Уларнинг камайиши эса жамиятда манфур

кимсаларнинг томир отиши учун айна муддао. Шу каби ўйлар лирик қаҳрамонни оташда ёндирмоқда.

Достон композициясидаги ўзига хосликлардан яна бирини юқорида таъкидлаганимиздек, ундаги лирик чекинишлар белгилайди. Чуқур фалсафий-бадий мушоҳадалар китобхонни толиктириши мумкин. Шунинг учун шоир достонга ўзгача композицион усулни, яъни лирик чекинишларни киритишни лозим топади:

Бардошимнинг тоқати тўлур –
йиқилади сабримнинг уҳи...
Ё...б...о...н
... б...и...т...м...а...с...
.....д...о...ғ...и...н...г...- а...
.....б...ў...л...у...р...
ёлғиз дарахтнинг чирқираган руҳи...

Биз И.Отамуруднинг илгариги достонларини таҳлил қилганимизда ҳам унинг ҳикматнамо шоир эканлигини айтиб ўтгандик. Ушбу достон ҳам бундай хусусиятдан мосуво эмас. Сўзимизнинг мисоли сифатида қуйидаги мисраларга диққат қаратайлик:

... Ёбон чексиз...
Йўл билмаган мўрчалар
адашиб кетар,
узилса гар
қавми саф тортган издан...

Бу ўринда Ватан, истиқлол, тинчлик, бурч, эътиқод, иймон, садоқат, ҳақиқат сингари ҳаётнинг энг муҳим жараёнлари, онгнинг энг муҳим омиллари шоир шахсининг лирик изтиробларини ҳаракатга келтирмоқда. Композицион асосида “мен” турган достонларда оддий тақдирлар ҳам, мўътадил кечинмалар ҳам учрамайди. Бундай достонлар бадииятидаги ҳамма нарса муҳташам, йирик: вақт ҳам, кенглик ҳам, инсон ҳам, ғоялар ҳам, кўтарилган масалалар ҳам.

Шоирни ўйлантираётган нарсa – маънавиятнинг таназзулга юз бураётгани, яъни ўзликнинг йўқола бораётгани. “Эй воҳ! Энг шафқатсиз зарба ўзимга ўзимдан келганини ҳис этдим. Лекин жуда кеч”,- деган эди шарқ алломаларидан бири. Дарҳақиқат, олами англамоқ учун инсон, энг аввало, ўзини танимоғи, тилини, динини, урф-одатларини кадрламоғи, эътиқодида собит турмоғи даркор. Инсон ўз уйининг эшигини бекитиб, вужудини сақлай олади-ю, лекин қалбининг эшигини бекитишдан ожиз бўлади. Жамиятда бир одамнинг ёмон хулқи ҳаммага таъсир қилади. Сачраган озгина лой минг чандон кўп ҳажмдаги сувни булғайди.

“Бугунги кунда жамиятимизнинг юзини қора қилувчи пасткашлар, ёмонлар, бебошлар, ўғрилар, гиёҳвандлар ва нашавандлар... кеча тарбиялариги эътибор берилмаган болалардир”, - дейди А.Авлоний.¹

Демак, келажакка тамал тоши бугундан қўйилади. Бугуннинг ҳикмати эса эзгулик асосида қилинган ҳаракатдадир.

Биз юқорида комиллик хусусида тўхталгандик. Комилликни қисқача руҳий баркамоллик, деб таърифлаш ўринли бўларди. Руҳий баркамолликка эса қалбдаги сезгилар ва сезимларни, ҳислар ва туйғуларни тафтиш этиш ҳамда уни илоҳий ҳақиқат шуълалари билан нурлантириш орқали эришилади. Инсон туйғуларини тафтиш этаётганда, ўз қалби билан, кўнгли билан ёлғиз қолади, яъни Худога яқинлашади. Шоирлар доим ёлғиздир, дейишади. Бизнингча, бундай эмас. Чунки ўйлаб, изтироблар, азоблар қуршовида қандай ёлғиз қолиш мумкин? Шоир ҳар вақт ниманингдир ўйловида юради. Хаёллари уни ёлғизлатиб қўймайди.

Ёлғизлик – сен руҳимда оғриган яра,
руҳимда қотилган дармон сен – ёлғизлик.
Ёлғизлик – сен руҳимда толеи қора,
Руҳимда битилган армон сен – ёлғизлик.

Достонда лирик қаҳрамон ёлғизликни ҳар бир нарсада кўради. Рухнинг гули, йўли, кадри, изи, ниҳони, ҳасрати, азоби, хазони, савоби, гуноҳи кабиларга ёлғизликни нисбат бериб, асарнинг бадиий қимматини янги поғонага кўтаради. Шоир, ҳатто, руҳи тўкилган тупроқда ҳам ёлғизликни туяди.

¹Шарқ донишмандлари ҳикматлари. “Шарқ”, Т.,2006.

Достон дард билан якунланади: чексиз ёбоннинг тўппоққина кул тепасида бир қушча учиб-қўнади, ниманидир излайди..., чирқираб-чирқираб излайди...

Қушча – рамзий образ бўлиб, шаклланиб келаётган ёш авлоднинг тимсоли сифатида гавдаланган. Шундай авлодки, миллийлигини йўқотмаган, ўзлигини англаган, эзгуликни олий мақомда кўрадиган... Демак, унинг юрагида изтироб бўлади, дардга тўйинган бўлади, ўз қалбини тафтиш қила олади. Чексиз ёбондаги турфа кирдикорларга қарши курашадиган, олами қайтадан яшнатадиган илинжнинг пайдо бўлиши кўнгилга таскин бериш баробарида, уни огоҳликка ундайди.

Достонда кўтарилган масала фалсафий ва ҳаётийлиги билан аҳамиятга молик. Шоирнинг бадиий олами уни янада осонроқ англашга хизмат қилади. Айниқса, бадиий тасвир воситалари, бадиий санъатлар воситасида достоннинг улуғворлик касб этганини таъкидлаш жоиз.

Боб юзасидан хулосалар:

- бугунги кун достонлари лирик қаҳрамони ўз-ўзини тафтиш этиб, ўз борлиғини ранг-баранг жиҳатлардан намоён қилмоқда;
- рангларни рамзлаштириш ҳозирги ўзбек адабиётида ўзига хос анъана тарзида давом этмоқда, бадий- эстетик тамойил сифатида ўрганилмоқда;
- “Товуш шеърияти” ёки “Онгдан ташқаридаги тил” шеъриятининг пайдо бўлиши ижодкорларни бетиним изланишга даъват этмоқда;
- туйғуни белгилар воситасида моддийлаштириш, уни сўзлардан ташқари тиниш белгиларда, ҳарфларда ифодалаш йўлларида фойдаланилмоқда;
- кўнгил образи ўзининг янгича талқинини топмоқда;

Умумий хулосалар

Барча фан, жумладан, адабиётшунослик ҳам шундай бир тубсиз уммонки, ҳар қандай зўр ғаввос ҳам унинг тагига етолмайди. Муайян масаланинг ҳал этилиши иккинчи бир муаммонинг туғилишига сабаб бўлади. Қолаверса, бир тадқиқот доирасида энг кичик масаланинг ҳам барча жиҳатларини қамраб олиш имкондан холи нарсас. Шундай экан, ҳар қандай салмоқли илмий иш ҳам мутлақ мукамаллик даъво қилолмайди. У ўзидан аввалги тадқиқотларни қайсидир жиҳатдан тўлдиради, ўз навбатида, кейинги ишларга туртки беради.

Замонавий ўзбек адабиётини кузатиб, унда юксак сифат ўзгаришлари амалга ошаётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Изланишлар ўз самараларини бермоқда. Миллий адабиёт тафаккур тарзининг жаҳон адабиёти узок асрлар давомида тўплаган анъана ва тажрибаларга омукта этилаётганлиги ўзбек адабиётининг янги истиқболдан дарак бермоқда.

Диссертацияда тадқиқот манбаи сифатида танланган давр оралиғи янгича дунёқарашнинг шакллана бориш жараёнларини қамраб олади. Бироқ мана шу қисқа давр мобайнида ижтимоий ҳаётда рўй берган ўзгаришлар, замондошлар психологиясида кечган янгиланишлар, жамият ва шахс, давр ва тарих ўртасидаги мураккаб муносабатларнинг бадиий силсиласи дoston жанрида ўз тажассумини топди. Дostonларнинг мазмун-моҳиятини, сюжет ва характер қурилишини, композицион тузилишини кузатиб, тафаккур доирасининг кенгайганлигига, фикрлаш тарзининг ўсганлигига, инсоннинг азал ва абад руҳи адабиётнинг яна чинакам тадқиқига тортилаётганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Умуминсоний қадриятлар ва муаммоларнинг кун тартибига қўйилаётганлиги, ҳаётнинг турфа ранглари, турли замонларнинг хулоса ва сабоқлари бугунги тарихий воқелигимизни очиб беришга йўналтирилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Замонавий дostonда лиризмнинг кучайганлиги унинг макон, тасвир, вақт чегараларини кенгайтириб юборди. Энди лирик қаҳрамоннинг поэтик дунёси

умуминсоният тарихига алоқадор ҳодиса сифатида талқин этиладиган бўлди. Бугунги достоннинг лирик қаҳрамони инсоният тарихининг марказида тургандек таассурот қолдиради. Ҳар бир тарихий ҳодисага ўз қалбининг муҳрини қолдиради, ҳар бир ҳодиса унинг иштирокида рўй беради, унинг сезимлари тизими барча ҳодисаларни тафтиш қилади, чамалайди. Бугунги достон марказига шахс тақдири қўйилмайди. Кечаги достонлар учун хос бўлган “тарихий конкретлилик” бугун фалсафий-символик, мажозий фикрлашга ўрин бўшатиб берди. Кечаги достон қаҳрамони ўсиш ва шаклланиш жараёнида кўрсатиларди, бугунги қаҳрамон эса шаклланган етук шахс, дунёқараш кенг, фикрлари залворли, теран. Зулфия, М.Юсуф, Т.Низом, У.Қўчқор, А.Маҳкам, И.Отамурод, Ч.Эргаш, А.Қутбиддин, Фахриёр, С.Ашур каби ижодкорлар XX аср охири - XXI аср бошларида яратган энг сара асарлари билан ўзбек достончилигида янги саҳифа очдилар, десак хато бўлмас.

Мустақиллик даври ўзбек достонларининг тараққиёт хусусиятларини бир қанча асарлар мисолида ўргандик. Уларда ҳаёт ҳодисаларини зиддиятлари билан тасвирлаш етакчилик қилади, ҳаётий зиддиятлар ва инсон характери талқинида руҳият қатламлари таҳлилидан фойдаланиш тамойили айнан шу давр ўзбек достонларида қатъий шаклланганлигига амин бўлдик ва қуйидаги хулосаларга келдик:

- ҳозирги ўзбек адабиётида инсонни англашга интилишдан унинг қалбини ўзига англатиш томон қадам ташланганлигини кўрсатувчи йўналиш вужудга келганлиги кузатилмоқда;
- шоирлар ғавқулодда яратилган ифодалар орқали рамзий образларни китобхон кўз ўнгида жонлантиришга эришиб, поэтик ғояни тўлақонли англатишга муваффақ бўлмоқдалар;
- бадиий адабиёт инсонни ишчи кучи сифатидагина тасвирлашдан қутулиб бормоқда, инсон бош қадриятга айланмоқда;

- хозирги ўзбек шеърятига хос тамойиллардан яна бири, шоирларнинг поэтик нутқнинг хитоб, мурожаат каби шаклларида, сўз такрори, риторик сўроқ каби унсурлардан фойдаланиб, олами ва инсонни поклаш ғоялари илгари сурилган дostonлар яратаётганликларида кўзга ташланади;
- мустақиллик даври ўзбек дostonлари жанр ҳамда мазмун жиҳатдан ўсиш-ўзгариш, янгиланиш жараёнини бошдан кечирмоқда;
- дostonларда туйғуни белгилар воситасида сувратлантириш, уни сўзлардан ташқари тиниш белгиларда ифодалаш усулларида фойдаланилмоқда;
- истиқлол даври адабиёти ташвиқий адабиётликдан қутулиб, кўпроқ даражада шахс адабиёти бўлиб бормоқдаки, бу хусусият ўзбек дostonлари поэтик тафаккурида ҳам кўзга ташланмоқда ;
- истиқлол даври адабиёти типик одамни эмас, балки ўзига хос, алоҳида одамни – типни тасвир этмоқда; Ўзбек дostonларида эса инсон кўнглини поэтик таҳлил қилиш, руҳият кенгликларини кашф қилишга эришилмоқда;
- вазн, туюқ, қофиянинг бугунги дostonда эркин қўлланиши кўнгил садоларини теранроқ тинглашда ва англашда, унда кечган ва кечаётган кечинмалар суратини чизишда қўл келмоқдаки, айни хусусият инсон туйғуларининг сероҳанг, сермавж ифодалари яратилишида кўзга ташланмоқда ;
- бугунги дoston қурилиши XX асргача яратилган дostonлар қурилишидан кескин фарқ қилиб, жанр шаклу - шамоилидаги ўзгаришлар ҳануз давом этмоқда. Бугунги ўзбек дostonи шарқу - ғарб адабиётининг турли хил оқимларида озиқланиб турган бўлса-да, аммо у ўзининг

миллий сарчашмалари анъаналарига содиқ миллий рангларда жилоланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиз. – // – Халқ сўзи. – 2010. – 28 январ. – № 19.
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – // – Халқ сўзи. – 2010. – 30 январ. – № 21.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000.

II. Илмий адабиётлар:

1. Адабий турлар ва жанрлар. III томлик. I т. –Т .: Фан, 1991. – 384 б.
2. Аристотель. Поэтика. –Т .: Адабиёт ва санъат нашр., 1980. – 152 б.
3. Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975. – 412 с.
4. Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Т .: Ўқитувчи, 1996. – 344 б.
5. Белинский В.Г. Танланган асарлар. – Т .: Ўздавнашр, 1955. – 510 б.
6. Жаков А.Г. Современная советская поэма. – Минск.: БГУ, 1981. – 176 с.
7. Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л.: Наука, 1977. – 408 с.
8. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
9. Йўлдошев Қ. Тирилган сўз.//Маърифат. – 2005. – 10сентябр.

10. Коваленко С. Поэма как жанр литературы. – М.: Знание, 1982. – 112 с.
11. Коваленко С. Художественный мир советской поэмы. – М.: Наука, 1989. – 272 с.
12. Каримов Ҳ. Истиклол даври шеърияти. – Т.: Зарқалам, 2005.
13. Мамажонов С. Поэмада инсон ва замон // Ранглар ва оҳанглар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1978. – 100-131.
14. Мирқосимова М., Рустамова М. Жанр ва маҳорат. – Т.: А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007.
15. Насафий Шайх Азизиддин. Комил инсон. // ЎзАС, 1992. 14авг. №33. Б.4
16. Норматов У. Жанр имкониятлари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1970. 12-18 б.
17. Норматов У., Ҳамдам У. Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи. // ЖА., 2002, декабр. – Б. 142-166.
18. Неупокоева И. Революционно-романтическая поэма первой половины XIX века. – М.: Наука, 1971. – 520 с.
19. Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М.: Искусство, 1976. – 614 с.
20. Раҳимжонов Н. Шоир ва давр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1983.
21. Раҳимжонов Н. Инсон қалби жараёнлари. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1991. – 3 май.
22. Раҳимжонов Н. Кўнгилга очилган йўл. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2006. – 31 март. - №13.
23. Раҳимжонов Н. Лирик поэма. Ф.ф.н илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Т.: АН 1975. – 150 б.
24. Саримсоқов Б. Лирикада бадиий тафсил. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1992. - № 5-6. – Б.10-16.
25. Улуғов А. Ўз вужудингга тафаккур айлағил...//Моҳият. – 2006. – 13 октябр.

26. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2004. – 260 б.
27. Умуров Ҳ. Адабиёт қоидалари. – Т.: Ўқитувчи., 2002. 208 б.
28. Худойбергандов Н. Туғёнлар уммониди. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1997. – 18 март. - №12.
29. Числов М. Время зрелости – пора поэмы. – М.: Советский писатель. 1982. – 256 с.
30. Шарафиддинов О. Шеърят – қалб ёлқини. //Ҳаёт билан ҳамнафас. – Т.:1991.
31. Шарафиддинов О. Инсон қалби манзаралари. Гўзаллик излаб. – Т.:1985.
32. Шукуров Н.Услублар ва жанрлар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1973. – 170 б.
33. Эшбек Й. “Сен” достони хусусида. // Ёшлик. – 1996. №6. – Б. 25.
34. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2004.
35. Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. – Т.: Маънавият, 1998. – 160 б.
36. Ҳаққул И. Шеърят – руҳий муносабат. – Т.:Адабиёт ва санъат нашр., 1989. – 240 б.
37. Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек достонлари поэтикаси. Ф.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дис-я. – Самарқанд, 2004.
38. Ҳасанов Ш. Давр ва достон. //Шарқ юлдузи. – 2002. – 4-фасл.
39. Ҳайитов Ш. Шакл изланишларининг бадииятга таъсири.//Шарқ юлдузи. – 2002. – 4-фасл.
40. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Т.: Фан, 1967. – 55 б.

III. Бадиий адабиётлар.

1. Афоқова Н. Баҳорнинг бошланиши. Шеърлар ва достон. – Бухоро.: Бухоро нашр. , 1997. – 106 б
2. Маҳкам А. Ҳақ. Сайланма. – Душанбе: Адиб. 1998. – 512 б.

3. Навоий А. Ҳайрат-ул аброр. Мукаммал асарлар тўплами. VII том. – Т.: Фан, 1991. – 392 б.
4. Низом Т. Сайланма. Шеърлар, достонлар, рубоийлар. – Т.: Шарқ. 1998. – 384 б.
5. Отамурад И. Сен. – Т.:Қатортол –камолот, 1999. – 80 бет.
6. Отамурад И. Ёбондаги ёлғиз дарахт.// Шарқ юлдузи. – 2000.№3-4. Б.42-68.
7. Отамурад И. Харитага тушмаган жойлар. – Т.: Шарқ, 1992.
8. Отамурад И. Руҳимнинг қайғуси. – Т.: Шарқ, 1997.
9. Отамурад И. Тавр. – Т.: Шарқ, 2005.
10. Отамурад И. Тағаззул. – Т.: Шарқ, 2008.
- 11.Фахриёр. Аёлғу. Шеърлар, достонлар. – Т.: Шарқ, 2000. – 256 б.
12. Шукур Э. Ибтидо хатоси.// Шарқ юлдузи. – 1991. №5. Б.8-17.
13. Қутбиддин А. Бахтли йил. Шеърлар, достонлар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1991. – 136 б.
14. Юсуф М. Сайланма. Шеърлар, достонлар. – Т.: Шарқ, 2004. –288 б.